

ОЙБЕК

СОЗИМ

Л и р и к а

Тошкент — 1980

ББК 84Уз
0—38

Сўзбоши —
ҲАМИД ҒУЛОМ

Тузувчи
ОМОН МАТЖОН

732
0-38



А 70403—131
М 352 (04)—80 Доп.—80

4702057020

Ёзувчининг адабиётдаги ўрни унинг асари, китоби билан белгиланади. У ўз ижодида тарих ва замонни нақадар маҳорат билан ҳаққоний тасвир эта билди, халқ ҳаётини нақадар чуқур ва ёрқин кўрсата олди — мана шу ўлчов билан унинг меҳнати, санъати ўлчанади. Ёзувчи образ яратади. Бу — давр образи, халқ образи, айрим одамлар образи. Бу образлар нақадар асл, ибратли бўлса, китобхонга шу қадар севилиб қолади, умри узун, аҳамияти улкан бўлади.

Ёзувчи кўп жанрларда қалам тебратиши, юзлаб хилма-хил асарлар ёзиши мумкин. Лекин унинг бу жанрлар ичида энг асосий жанри ва кўп асарлари ичида энг асосий, энг муҳим асарлари бўлади. Чунончи, А. С. Пушкин ёки М. Ю. Лермонтов шеър ҳам, насрий асарлар ҳам, драмалар ҳам ёзганлар, аммо улар энг аввало шоирдирлар, гениал рус шоирлари бўлиб тарихда мангу яшаб қолдилар. Ўз янги адабиётимиздан мисоллар келтирайлик. Ғафур Ғулом билан Ҳамид Олимжон ҳам шеър ёзиш билан бир вақтда қисса, ҳикоя, очерклар, пьесалар яратдилар. Лекин бу икки буюк ижодкор ҳам шоир сифатида донг таратдилар, устоз шоирлар сифатида кўпмиллатли совет адабиётимиздан абадий ўрин эгалладилар.

Энди устоз Ойбекка келсак, у ҳам кўп жанрларда қалам тебратди. Ойбек шеърияти бебаҳо хазинадир. Унинг чуқур маъноли нафис лирикаси, ҳам тарихий, ҳам замонавий маззуларда ёзилган кенг фалсафий лиро-эпик дostonлари, воқеабанд балладалари ўзи бир оламдир. У шоир сифатида таржималари билан ҳам, айниқса, «Евгений Онегин» таржимаси билан ўзига нурли ҳайкал қўйди.

Ойбек драматик асарлар ҳам ёзди. Унинг Маҳмуд Торобий шахси ва даари ҳақидаги халқчил асари диққатга сазовор.

Ойбекнинг тарих ва адабиёт ҳақидаги илмий-фалсафий мақолалари чуқур тафаккур, улкан истеъдод соҳиби бўлган етук адабиётшунос олимнинг асарларидир. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг биринчи академиклари қаторида бу юксак илмий лавозимга сайланганлиги Ойбек иқтидорига берилган ўринли баҳодир.

Шоир, олим, таржимон, драматург, публицист... Ойбек мукамал эгаллаган бу жанрларнинг ҳар бирини бир чўққига қиёс этсак, унинг прозаси бу чўққилар тепасидаги энг юксак яна бир чўққидирки, унинг номини улуғлар қаторига қўйган жанр ҳам шудир. Биз «Навоий» ва «Қутлуғ қон», «Болалик» ва «Улуғ йўл», «Қуёш қораймас» ва «Нур қидириб», «Олтин водийдан шабадалар» асарларисиз ўзбек совет адабиётининг ҳозирги кўлами ва камолини тасаввур эта билмаймиз. Хусусан, икки роман: «Навоий» билан «Қутлуғ қон» Михаил Шолоховнинг «Тинчоқар Дон», Мухтор Авезовнинг «Абай» эпопеялари сингари, социалистик реализм адабиётининг йирик асарлари қаторида ҳақли равишда шуҳрат қозондилар.

Ўзбек совет адабиётида Ойбек маҳоратда Абдулла Қодирий ишғни давом эттирди, халқ ҳаёти, социал воячалар тасвирида ундан ҳам олдинга кетди, миллий адабиётда горькийёна ижод намунасини кўрсатди.

Бизнинг насримизда 30—50-йилларда Ойбек қаторида Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Хусайн Шамс, Шокир Сулаймон, Парда Турсун ва бошқа адиблар ҳам баракали ижод қилдилар. Аммо ёзувчи ижодининг асосий жанри ва бу жанрдаги маҳорати жиҳатидан баҳо берадиган бўлсак, романчиликда Ойбек ва ҳикоянависликда Абдулла Қаҳҳор биринчи ўринда турадилар.

«Навоий» тарихий романчилигимизда, «Қутлуғ қон» тарихий-инқилобий мавзудаги романчилигимизда чинакам кашф бўлди. Юксак маҳорат билан ёзилган бу асарлар аввал рус тилига, кейин бошқа тилларга таржима этилиб, халқимиз тарихини, инқилобимиз ҳақиқатини миллион-миллион кишиларга етказди, айниқса хорижий шарқ мамлакатларида тараққийпарвар зиёлилар томонидан севилиб ўқилмоқда, улар учун дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

«Улуғ йўл» романининг нашр этилишига доир эсдаликларимни қўшиб кетмоқчиман.

Адиб тарихий-инқилобий мавзуларда бир қанча йирик шеърӣй ва насрий асарлар ёзди. «Ўч», «Қутлуғ қон», «Болалик», «Улуғ йўл» шулар жумласидандир. «Қутлуғ қон» бу мавзудаги асарларнинг энг баркамолидир.

«Қутлуғ қон» романимни ёзиш учун материал йиғиб ўтирмадим,— деб таъкидлайди ёзувчининг ўзи.— Роман учун материал кўнгилдан, хотирамдан қўйилиб келадирди, шу тарзда қисқа фурсатда — 1938 йил ёзида уни ёзиб тамомладим».

Бу ва бошқа инқилобий мавзуда ёзилган асарларида тасвирланган воқеаларга адибнинг ўзи болалик чоғларида шохид бўлган, шу сабабдан ҳам у юқоридаги фикрни айтишга тўла ҳақлидир.

Мен 1965 йилда «Шарқ юлдузи» журналига муҳаррирлик қила бошладим. Ўша йили Ойбек билан бир неча марта суҳбатлашиб, «Улуғ йўл» романини асосан ёзиб тамомлаганини, бироқ яна бир оз ишлаш нияти борлигини билиб олдим. Мен унинг уйида ҳам, Луначарск (Шўртепа) посёлкасидаги Олимлар шаҳарчасидаги боғида ҳам кўп дафъа суҳбатлашдим, муаллифни асарни оққа кўчиришга, кейин журналда эълон қилишга рағбатлантирдим. Адибнинг рафиқаси, машҳур олима Зарифа опа менинг ёнимни олиб, Ойбек акага далда борди, мададкор бўлди. Натижада «Улуғ йўл» оққа кўчирилди, аввал журналда эълон қилиниб, кейинчалик алоҳида китоб ҳолида нашр этилди.

Мен Ойбекни адиб сифатида биринчи ўринга қўяр эканман, Ҳамид Олимжоннинг «Ойбек прозада шоиру поэзияда прозаикдир» деган сўзларини эслаيمان, жуда топиб айтган деб тан бераман. Айни вақтда Ғафур Ғуломнинг қуйидаги сўзлари қулоғимда жаранглайди:

«Ойбекнинг серҳосил, ўткир ижодкорлигини бизнинг адабиёт тарихида кимга ўхшатиш мумкин? Ойбекни ўзига, Ойбекка ўхшатиш мумкин».

* * *

Модомики, биз Ойбек шеърларидан намуналарни яна бир кичик тўплам ҳолида нашр этаётган эканмиз, унинг шеъриятига кўпроқ тўхталиб ўтмоқчиман.

Ойбек бутун ҳаёти давомида шеър ёзди. У ўн уч ёшида қалам тебрат бошлаганини ўз таржимаи ҳолида қайд этган. Шеърӣ илҳом унга эллик йил ёр бўлди. Илк мисралар фаслидан эллик йил ўтгач, у «Оқшом келди илҳом...» деб бошладиган рамзий сатрларга нуқта қўйди:

Оқшом келди илҳом, қўлда гул жонон,
Кўзларда нур, сочда гавҳар, ҳаяжон...
Мен ёлғиздим тунда, сокин ҳужрада,
Қуюлди шеър, май — келди бир жаҳон...

Чинакам ҳайёмона рубоӣ!

Мен замондошим, устозим, дўстим Ойбек яратган анчагина йирик насрий, шеърӣ, илмӣ асарлар ёзилиш жараёнининг гувоҳи бўлдим. Чунончи, «Қутлуғ қон», «Навоӣ» романлари қачон, қандай шароитда, қандай ўтли илҳом ва шиддат билан ёзилганини батафсил ҳикоя қилиб беришим мумкин. Бундан деярли йигирма йил аввал «Литературная газета»да «Ойбек мактаби» сарлавҳали мақоламда «Болалик» қиссасини баҳоли қудрат таҳлил қилганман. Ойбек достонларининг ҳар бири ҳақида, унинг ҳамсуҳбат дўстлари қаторида, мен ҳам эсдаликларимни қоғозга туширишим мумкин. Лекин, мен бу мақолада устоз баракали умрининг сўнгги йилларини эслатмоқчиман, сўнгги романи «Улуғ йўл» билан сўнгги шеърларига алоқадор фикрларимни баён этмоқчиман.

Ойбекнинг узоқ ва оғир беморликни бошидан кечирганиу кўпчиликка маълум. Асаб хасталиги оқибатида тили дудуқланиб, катта минбарларда шеър ўқиш, нутқ сўзлаш каби шоир ва арбоб учун жуда зарур имкониятдан маҳрум бўлиб қолди.

Унинг туғилганига олтмиш йил тўлиши олдидан Ўзбекистон Ёзувчилар союзида (ҳозирги Хадича Сулаймонова номли кўчада, кутубхона қаршисидаги бир қаватли бино залида) ўтказилган мушоира ҳамон ёдимда. Ойбек бу мушоирага олдиндан ҳозирлик кўриб, тўпламидан анчагина шеърларни белгилаб келибди.

Мушоира бошланишидан бир неча дақиқа аввал у менинг ёнимга келиб, китобини берди ва:

— Ўқинг! — деб илтимос қилди.

Ғафур Ғулом, Уйғун, Зулфия, Шайхода, Мир-

темир навбатма-навбат минбарга чиқиб, шеърхонлик қилаётганларида мен Ойбек тўпламини варақлаб, у ўз қўли билан белгиллаган шеърларни кўздан кочира бошладим.

Шоир танлаган биринчи шеър — «Наъматак».

Ҳа, Ойбек бу шеърини жуда севар, Николай Тихоновнинг рус тилига қилган таржимасидан ҳам жуда мамнун эди!

Шоир мушоира аҳлига асосан лирик шеърларини, бинобарин турли йилларда ёзилган ишқий, фалсафий шеърларини ўқиб эшиттиришимни хоҳлабди. Чунончи, ўша кундан деярли ўттиз йил аввал, яъни 1937 йилда ёзган қуйидаги саккизлигини танлабди:

Майли сув ич, қаттиқ нон кемир,
Лекин, ёнсин қалбингда олов.
Фалсафанинг аччиғин симир,
Фароғат, тин бўлсин сенга ёв.

Тошга ҳам, рангга ҳам, сўзга ҳам
Ҳаёт нури билан бер жило.
Нашъа эмас, ҳатто сенда ҳам
Қалбга солсин ҳаётдан зиё.

Ёки, оғир уруш даврида, 1942 йилда ёзган ма-на бу шеърини ўқиб эшиттиришимни илтимос қилган:

Ёр кетди, кўзим булоғи қолди,
Сийнамда тирик фироқи қолди.
Ишқ хотирэси каби сочимнинг
Ёшликда кўпайган оқи қолди...

Ҳар лаҳза дилу хаёл паришон.
Бир хўрсинишимда дардлар уммон.
Юлдуз каби тунда ярқирай жон.
Тундек сочи иштиёқи қолди.

Ойбек шеъриятининг теран мазмуни, қўйма маъноси, равон шакли ўқувчини ҳам, тингловчини ҳам беихтиёр сеҳрлаб қўяди. Унинг ўзига хос рангин тили, сержило ташбеҳлар силсиласи туғма истеъдодидан, етук маҳоратидан далолат бериб турибди. У сўзни танлай билади, тилни бойитиш борасида тинимсиз ишлайди.

Бой халқ тилидан фойдаланмаган, адабий тилга сайқал бериш устида ишламаган, умуман асарининг тили қашоқ, рангсиз, қуруқ, баъзи ёзувчилардан Ойбекнинг ранжиганини, афсусланиб гапирганини кўп марта кўрганман.

— Тил устида ишлаш керак! — деб, у ёшларга ҳамиша таълим бериб келган.

Мушоирага қайтайлик. Ҳар бир шоир биттадан, баъзилар иккитадан шеър ўқидилар. Ойбек эса, ўндан ортиқ шеърини ўқиб беришни мендан илтимос қилди.

Мен минбарга чиқиб, аввал «Наъматак»ни, кейин уруш вақтида ёзилган «Раиса» сарлавҳали ҳиссиётга тўла жўшқин балладани ўқидим. Зални тўлдириб ўтирган шеърят мухлислари устоз Ойбек ва унинг шеъряти шарафига гулдурос қарсақ чалдилар. Бундан ўта руҳланиб, шоир рубойларини ўқий бошладим. Айниқса, бир рубойи ҳамон юрагимда жаранглаб туради:

Ёшлик бир ғунчадир, йўлдоши — севги,
Юракда ёлқини сақланса мангу,
Вафо дерлар бун! Азизроқ не бор?
Қарилик ҳам ойдин, ишқимиз мангу...

Сўзларга, иборага, ташбеҳга эътибор қилинг. Файласуф шоир, сўз санъаткори фақат Ойбеккина шундай ёзиши мумкин эди.

«Қисқача таржимаи ҳолим» номли мақоласида: «Биз ҳаммамиз ўз ижодимизни ўзбек адабиётида кўп асрлик традицияга эга бўлган поэзиядан бошладик, — деб ёзади Ойбек. — Революцияга қадар прозаик асарлар деярлик йўқ эди. Революция поэзия жанрини ҳам ўзгартдириб юборди. Совет шоирлари қадимги «аруз» вазнига камроқ мурожаат этиб, ажойиб ёзувчимиз, ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода ва баъзи шоирлар томонидан поэзиянинг ҳамма жанрларида тажрибадан ўтказилган фольклордаги халқ қўшиқлари — эпос — «бармоқ» вазнида ёза бошладилар. Мен ҳам бармоқ вазнида ёза бошладим».

Албатта, бу ерда гап фақат вазн тўғрисида бораётгани йўқ. Шоир умуман янги шеърят ҳақида, унинг ижтимоий моҳияти ва шаклу шамойили ҳақида фикр юритяпти.

Ойбек поэзияси Ҳамза ва Ҳамид Олимжон, Фафур Ғулом ва Уйғун, Шайхзода ва Зулфия, Усмон Носир ва Миртемирлар поэзияси билан бирга тошқинли шеърий оқин бўлиб мавжланди ва кўпмиллатли совет социалистик поэзиямиз уммонига улкан дарё бўлиб қўшилди.

Мен Ойбек асарларини қайта-қайта ўқийман. «Бахтигул ва Соғиндиқ», «Қизлар» дostonлари, «Навоий», «Қуёш қораймас», «Олтин водийдан шабадалар» романлари, «Нур қидириб...» қиссаси, «Форобий» либреттоси, сўнгги шеърлари... ва умуман унинг ярим асрлик салмоқли ижоди... Ҳар бир асари адабиётимизда воқеа бўлгани билан, адабиётимизда Ойбек мактаби борлиги билан, янгидан-янги ижодчи авлодлар бу ибратли мактабда сабоқ олаётганлари билан фахрланаман.

Ойбекка яқин бўлганимдан, у билан ҳамкорлик қилганимдан, унинг кунига яраганимдан ғурурим чексиз, ошкентда ҳам, Москвада ҳам унинг олтимиш йиллигига бағишланган тантанали юбилей кечаларида унинг шонли ленинчи Коммунистик партия-мизга, жонажон Совет ҳукуматимизга, қаҳрамон халқимизга ташаккурномаларини унинг номидан ўқиб эшиттириш шарафи менга насиб этди. Мен устозим ва дўстим ишончини ҳеч қачон унутмайман, унинг нурли сиймосини кўзим қароғида умрбод сақлайман.

Ойбек 63 ёшида вафот этди. У дафн этилган аламли кун дилимни поралади, ўша аччиқ жудолик онда, унинг қабри тепасида телба бир аҳволда видолашув сўзларини ўртаниб айтар эканман, кўп савдолар кечган бошимда қолган қора сочларим оқариб кетди...

Аммо, халқимизда: «Даҳога ўлим йўқ!» деган доно ҳикмат бор. Ойбекнинг ўзи ҳам: «Кўзларда нур, сочда гавҳар...» — деб тасалли бериб турибди.

Ойбек шеъриятида юксак гражданлик оҳанглари баралла жаранглайди. «Ўзбекистон» шеъридаги қуйидаги мисраларни ёд билмайдиган киши топилмаса керак:

Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди,
Бир ўлкаки, қишларида шивиллар баҳор.
Бир ўлкаки, сал кўрмаса, қуёш соғинар...
Бир ўлкаки, ғайратидан асаби чақнар.
Бахт тошини чақиб, бунда куч гувиллайди.

Шеърнинг ҳар бир сатри, сўзи чуқур мазмунга, ранг-баранг ташбеҳларга бой. «Совет Шарқи тўлкинини кўринг — бу ҳаёт!» деб фахрланади у. «Болғалар-ла парчаланди уйку илони...», «Янги тарих қуёшидан унинг манглайи...», «Эркин меҳнат бахтли кўзда чўғ каби порлар...» Хуллас, бирорта таъсирсиз ибора, рангсиз сўз йўқ!

«Раиса» шеърдаги қуйидаги тўртликка кўз ташланг:

Хирмонлар қор босган тепалар каби,
Пахта қарвонлари елар булутдай.
Ҳаводан қуйилар қуйлар наъъаси,
Раиса ўзини сезар бургутдай.

Ойбек қуйма шеър устаси, таъсирли, ўткир сўз сенъаткори сифатида янги-янги шоирлар авлодига устоз бўлиб қолади. Унинг шеърляти теран маъноси, такрорланмас жилоси билан ўз замондошлари бўлмиш буюк шоирлар: Файз Аҳмад Файз, Владимир Луговской, Николай Тихонов, Георгий Леонидзелар нафасини эслатади.

Ойбек ҳақидаги шу қисқа мақоламни унинг қуйидаги мисралари билан тугатсам, ўринли бўлар деб ўйлайман:

Кўксимни эзар ҳажрида кўксимдаги тўйғу,
Тепамда қуяр қуйини булбул яна шўх, шаън.
Гуллар қадахини кечки шамол аста тўқаркан,
Ёдимга тушар сен каби дилбар, гўзал орзу.

Бу гўзал орзу — шеърят орзуси. Ойбек бу орзусига етди: халқига шеъри билан сидқидилдан хизмат қилди ва хизмат қилишда давом этмоқда.

Чиройли гулдастани эслатувчи бу тўппам ҳам ҳақиқий шоирнинг умри боқийлигидан далолат бериб турибди.

ҲАМИД ГУЛОМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

ЕШ КҮНГИЛ

Еш кўнгил баъзан тошар,
Чексиз тоғлардан ошар.
На ғам билур, на ҳасрат,
Ҳавас-ла тўлиб яшар.

Қаноти бор ипакли,
Кўзлари кўп тилакли.
Қўрқув билмас, чарчамас,
Арслон каби юракли.

Еш кўнгил ёшда бўлур,
Денгиздек тўлқинлидир.
Амалининг йўлидан
Қайтмайдир, балки ўлур.

1924

АМАЛИМ УЧУН

Кўнглим бир оз ўйнасин,
Тилакларин сўйласин.
Амалимнинг париси,
Қочма, руҳим яйрасин.

Олтин қанотларинг бор,
Сен менга энг нозли ёр.
Қоронғи кечаларни
Нуринг яшиндек ёқар.

Энг суюкли амалим,
Ҳаётдаги чечагим!
Кўнгил сенсиз ёшалмас,
Қочма, тутай, малагим!

1924

ҚИШЛОҒИМНИ ЭСЛАРКАН

Тевараги кўм-кўк ўтлоқ,
Табиати жуда қувноқ.
Тотли, юмшоқ ҳавоси-ла
На гўзалди кичик қишлоқ.

Кўкларинда қушлар учар,
Нағмалари кўнгил қучар.
Тонг отаркан, қизил чечак
Бир қиз каби кулиб чиқар.

Булутларга етган тоғлар,
Кичик-кичик яшил боғлар.
Хаёлимда жилваланур
Қишлоқдаги тотли чоғлар.

Ой, юлдузли кумуш тунлар,
Қани нозик ғунча — гуллар?
Унутилмас из қолдирмиш
Қишлоқдаги порлоқ кунлар.

1924

ЧИРЧИҚ БҮЙЛАРИДА

Гўзал Чирчиқ, на учун,
Тўлқинларинг йўқ ўлмиш?
Кўнгилларни эритар
Муסיқиларинг синмиш?
Бир ўксиз бола каби
Юзингда маъюслик бор,
Сўйла, бир хаста қалби
Сенчами, алам туяр?
Мен келдим соҳилингга,
Оширман кулишингга.
Кўнглима дoston сўйла,
Най каби гўзал куйла,
Кенг Чирчиқ суви, кўпир,
Арслондек сен-да ҳайқир!
Тоғлардан, тепалардан ош,
Тўлқинининг-ла ҳар ён тош!
У чоқда мен ҳам қайнаб,
Тўлқинингда ўйнайман.
Тўфонларингда қувнаб,
Қулоч отиб яйрайман.

1924, 29 март

ОВЧИГА

Отма, қушчани, қанотин қоқсин!
Гўзал нағмалар кўнглидан оқсин.
Эркликдан бошқа — борми бир гўзал?
Қўй, овчи, уни чечаклар тақсин.

Пириллаб кўкка қанот қоқиши,
Малаклар каби гўзал боқиши.
Энг нафис шеърдир, овчи, сен англа!
Борлиқда битсин қоннинг оқиши!

Кўм-кўк ёғочда ўтирмиш, бир боқ!
Ким билур, унинг қалбида бу чоқ
Қандай тилаклар тўлиб-тошадир,
Отма қушчани, ўйнасин озроқ!

1924, 14 сентябрь

ЎЗБЕК ҚИЗИГА

Нечун сенинг юзларингда
Қайғу-алам ўти тошар?
Ёниқ, маҳзун куйларингда
Қалб эзувчи бир нола бор.

Кўкда кезган эрк қушларин
Нағмасини тинглолмадинг.
Зулматларни оташлар-ла
Ёқиб, эркин қучолмадинг.

Букун ортиқ баҳор ўлди,
Ҳар ёқ чечак билан тўлди.
Боқчалардан сен узоқда,
Юзинг япроқ каби сўлди.

Эй, Шарқ қизи, энди қўрқма
Кишанлардан, занжирлардан,
Қулликларни йиқиб ташла!
Олқиш сепай чечаклардан...

1924

ОЛТИН ҚҰНҒИЗГА

Кўклам туйғулари

Қўйинг, олтин қанотларин боғламанг,
Эрка кўнгли чечаклардек яшнасин.
Тутқунликда унинг қалбин доғламанг,
Бўстонларда бир оз кулиб яйрасин!


Ана кўклам ҳар томонга шеър сочмиш,
Боқчаларда очилмишдир чечаклар.
Лабларингдан ўпар қушлар — малаклар,
Олтин юзин гўзал қуёш ҳам очмиш.

Олтин қўнғиз, қанотларинг қайрилмиш,
Яна севги дардларини куйлайсан.
Парилардан ёниқ дилинг айрилмиш,
Англат менга, дардингними сўйлайсан?

Оёғингга ип тақилмиш, кел узай!
Сен-да бир оз япроқларда кул, яйра,
Эркинликнинг йўлларини кел тузай,
Руҳим учун сен нағма чал, бир сайра!

Олтин қўнғиз, ипни уздим, кўкка уч!
Севганингнинг юзларидан ўпиб, қуч.

1924



ЭРКИН ҚУШ

Малак каби гўзал бир қуш
Тол шоҳига келиб қўнди.
Дедим: «Қушча, ёнимга туш,
Ёш кўнглимга алам тўлди.
Бир оз куйла, шеъринг сўйла,
Маҳзун руҳим қанот қоқсин!
Сирли, гўзал нағмаларинг
Амалимнинг¹ шамин ёқсин».

«Ёндим эркининг савдосида,
Қафаслардан жуда бездим.
Боқчаларнинг ҳижронида
Юраги қон тутқун эдим.

Қўй, чақирма кўкка учай,
Эркинликка энди чиқай:
Баҳор келиб, ҳар ёқ кулди,
Чечакларни бир оз қучай!»
Дея қушча ҳар ён боқди.
Тиниқ кўкда қанот қоқди.

1924

¹ Бу ерда орзу маъносига.

ҚУШЛАР, ҚОЧИНГИЗ!

Кўнгил очилди,
Лолалар кулди.
Баҳор қизидан
Нурлар сочилди.

Ҳар ёқ чечак-гул,
Ноз қилур сунбул,
Фақат дарддидир
Қафасда булбул.

Қушлар, қочингиз!
Қирлар ошингиз.
Эркин тоғларда
Қанот қоқингиз.

Кимса кўрмасин,
Қонлар тўкмасин
Эрка руҳингиз
Сира сўлмасин!

1924

БОҒБОН ҚИЗИ

(«Бир эсдалик»дан)

Хой, боғбон қизи,
Кўнгил юлдузи,
Нега қорайди
Толеинг юзи?
Эрк-ла қувнардинг,
Қушдек учардинг.
Капалак каби
Чечак қучардинг...
Боғда булбуллар,
Чаманда гуллар
Олқиш сўйларди
Сенга сунбуллар.
Дард қучоқ очмиш,
Кўз ёшинг сочмиш.

Кулган чоқларинг
Қайларга қочмиш!
Нечун, бир сўйла,
Синиқ най, куйла,
Гўзал кўнгилда
Қайғу-ғам тўла?
Қани у чоқлар,
Яшил япроқлар,
Куйлаб толмаган
Ғунча дудоқлар?

1924

БУЛОҚЛАР ҒНИДА

Нағмангиз, ҳой, мунча ёниқ,
Тинглар сизни бутун борлиқ.
Ойнинг олтин кокиллари
Қўйнингизда очиқ-сочиқ.

Шод булоқлар, нағма чолинг!
Чўпонларнинг кўнглин олинг.
Сизга эмди боғланмишман,
Қочманг мендан, бир оз қолинг!

Бир оз сўнгра қуёш боқар,
Уфқларга лола тақар.
Билмам, сизга налар сўзлаб,
Кўксингизни ўт-ла ёқар.

Уваларга нағма сочиб,
Чўпон дилин гулдек очиб,
Қувишасиз, шод булоқлар,
Узоқларга мендан қочиб.

Ёш кўнглимга жўшиб оқди
Тотли, қувноқ куйларингиз,
Ўксиз руҳим қанот қоқди.
Қучсин сизни, қўл очингиз,
Эй табиат шоирларин!

1925

ЕШ ЙУЛЧИ

Йўлим кўп узоқ,
Амалим порлоқ:
Орзулар тошди
Кўксимда бу чоқ.

Қутурма, денгиз,
Ҳовлиқма, денгиз.
Кичик қайиқни
Иргитма, денгиз!

Еш кучим толмас,
Тилагим қўрқмас.
Тоғдек тўлқининг
Йўлимни тўсмас.

Еш кўнгил тошар,
Кўклардан ошар.
Севган юлдузин
Ахтариб қучар.

1925, сентябрь

ҚУЁШ БОТАРКАН

Оғир-оғир қанот қоқиб,
Увалардан қушлар учди.
Тоғ-тошларга чечак тақиб,
Уфқларни қуёш қучди.

Кенг қирларнинг эркин ели
Чечаклардан ўпиш олди.
Булоқларнинг эрка тили
Шеър сўйлаб, нағма чолди.

Тошди менда севги, амал.
Узоқларда юлдуз порлар.
Бу оқшомнинг руҳи гўзал,
Қучоғида кўнгил яйрар.

1925

КУТГАНДА

Йўлингда кутдим,
Ҳасратлар ютдим.
Ҳажринг-ла кўпдан
Ўзни унутдим.

Сен ҳеч келмадинг,
Дардим сезмадинг.
Чаманлар ичра
Бирга кезмадинг.

Аввал ўқ отдинг,
Кўнглим қонатдинг.
Сўнгра, юлдузим,
Қайларга ботдинг?

Малагим, бир боқ!
Борлиғимни ёқ.
Оҳ... ёшлик чоғим,
Бир кузги япроқ...

1925

КАПАЛАК

Қувдим боғларда,
Ёшлик чоғларда
Сен ўртоғимдинг
Лолазорларда.

Пир-пир этардинг,
Ташлаб кетардинг,
Тутқич бермасдан
Кўнглим эзардинг.

Гўзал капалак!
Сенга не керак?
Билдим... қалбингда
Сўлғун бир тилак.

Гуллар очилди,
Ҳидлар сочилди,
Баҳор нашъаси
Ҳар ён ёйилди!

Уч, уч, қанот ёзи!
Сен титрак бир соз,
Кўклам шеърдан
Тинглайин бир оз.

1925, 25 декабрь

БУЛОҚ

Ҳой булоқ, тошқин булоқ!
Кўпирган шошқин булоқ!
Тошлар билан курашиб,
Қаерга?.. Тўхта, булоқ.

Тўлқинли селда исён,
Товшингда кучли арслон.
На дардинг бор, на ғаминг,
Тошурсан, телба, ҳар ён?

Шеърингга тўёлмадим,
Кўксингда яшнолмадим.
Сен тошиб йўлга тушдинг,
Мен ғариб боролмадим.

Ҳой булоқ, жўшқин булоқ!
Кўнглим кўнглингга иноқ.
Тўхта десам, боқмайсан,
Сўйла, йўлингми узоқ?!

1925, 29 декабрь

ҚИШ КҰРИНИШЛАРИ

Ҳар томонда қор,
Тортишиб чана
Болалар яна
«Қорбўрон» ўйнар.
Сўлғин бир кулиш
Отиб қочади
Баъзи вақт қуёш.
Бўрон, совуқ қиш,
Борлиқ сочади.
Бир дардли қараш.
Кеч бўлса, жимжит...
Кўлкалар қоплар.
У ёқ-бу ёқда
Чироқлар ёнар,
Титрашиб милт-милт.
Борлиқ нашъасиз,
Муздек совуқ қор
Юзларга урар.
Бўронлар ўйнар,
Йўллар кимсасиз.
Кечалар жимжит,
Фақат узоқдан
Увлар дард билан
Бир боёқиш ит.

1926, январь

ЧЕЧАКЛАР ТЕРГАНДА

Қўлимда даста-даста
Сўлдингиз, ёш чечаклар.
Қалбингиз энди хаста,
Сўндими у тилаклар?

Тоғларда очилдингиз,
Йўлларга сочилдингиз,
Шоирнинг кўнгли каби
Кулдингиз, ёйилдингиз.

Юзингиз тўла ҳасрат,
Боқдингиз, малакларим!
На қилай, уздим фақат,
Эзилди юракларим...

1926

ЎТИНИШ

Ҳой гўзал, менга боқма,
Кўксимни ўт-ла ёқма.
Бир пари каби кулиб,
Қаршимда лола тақма!

Сочларинг тола-тола,
Лабимда гизли нола.
Ичимда тўла ҳасрат,
Найлай, эй воҳ... бу ҳола?

Дардинг-ла ёнди бошим,
Кўзларда қонли ёшим.
Йўқ... Кечир... Энди бир кул,
Сен, кўнгил орқадoshим!

1926

Орқангдан йиғлаб қолдим,
Кўксимни тиғлаб қолдим.
Қиз, дарёдан ошарсан,
Билмам, қайда яшарсан.
Орқангдан йиғлаб қолдим.

Сир аралаш ҳаётинг...
Гавҳарлардан маржонинг.
Ҳазин куйлар чаласан,
Сўйла, қаён борасан?
Сир аралаш ҳаётинг...

Тушимда кўрдим сени,
Бирга олиб кет мени.
Денгиз, тоғлар ошайлик,
Чўпон каби яшайлик.
Бирга олиб кет мени.

1926

Узоқлардан қўш сурнайнинг куйи сезилди,
Қизнинг қалби куз гулидек сўлди, эзилди.
Уфқлардан боқар эди сўлғун бир лола.
Қиз қалбида титрар эди синиқ бир нола.

Ёш қиз, қайдам, ўз эркини ололмадимми?
Эркин севги боғчасида ўйнолмадимми?
Боғга чиқиб, ўксиз каби ҳар томон боқди,
Гўдак чоғлар изи унинг кўксини ёқди.

«Хайр энди, чечакларим, қора бир диёр
Қучоқ очди, кетдим, агар келса гўзал ёр,
Менинг учун кулиб боқинг, кўнглини олинг!»
Деган каби қиз кўнглига қайғу соларди.
Не қилсин, оҳ... тотли ҳислар шунда қоларди.

1926

ТУРМУШ ЙЎЛИДА

Йўл кўп узун... Ҳар томоним тоғлик, тошлик.
Сурунаман ўтмоқ истаб бу йўллардан.
Яна мудҳиш, қизғин кумли шу чўллардан,
Тилакларим, ғайратларим менга бошлиқ.

Баъзи вақтда заҳар совуқ қучоқ очар,
Баъзан қуёш, гўзал кўклам нурын сочар.
Баъзан тўлқин билан келар турмуш сели,
Баъзан кўнглим қитиқлайдир тонгнинг ели.

Йўқ, қайтмайман ҳеч орқага... кучим толмас,
Ҳаёт гўзал, амал буюк, сел тўсолмас.

1926, 24 июнь

Ўйнаб оққан ирмоқлар,
Яшил, нозли япроқлар
Дерлар менга: «Ҳой, шоир!
Ёз энди бизга доир!»

Эй кумушдек ирмоқлар,
Баҳордаги япроқлар!
Сиз шеъримдан кўп гўзал,
Кулсангиз, кулар амал.
Сози носоз бу шоир
Не ёзсин сизга доир?

1926, июнь

КЕЧҚУРУН

Қуёш секин бекинди
Қаршимдаги тоғларда.
Борлиқнинг кўзи тинди
Елғиз-дим шу чоқларда.

Қир туман-ла бурканди,
Тоғдан тушди сурувлар.
Уйноқ қиздек бурилиб,
Оқарди пастда сувлар.

Сўнгра кўкни ёритиб,
Чиқди сариқ бир чечак.
Оқшом кўнглин овутиб
Аллаларди шаршарак.

1926, 2 июль

ШАРШАРАК

Чиқар тоғлардан
Ҳовлиқиб-шошиб...
Истаган томон
Чопадир тошиб.

Кумушдан оппоқ,
Соф кўйнаги бор.
Тўхтамай бир чоқ,
Шеър этиб оқар.

Буюк тошлиқлар
На кураш қилар,
На унинг кескин
Кучин синдирар.

Шаршарак тошқин,
Ёш кўнгил каби.
Йўлида шошқин,
Йўқ ҳасрат-ғами.

Узоқ, белгисиз
Йўлга талпинар.
Қайдадир денгиз?
Чопар, ахтарар.

1927, 31 май

САҲРОДА

Саҳро жимгина ухлар,
Кўкда юлдузлар порлар.
Тевалар секин-секин
Илгари қадам отар.

Тарқалар қўнғироқдан
Бир товуш, умид тўла.
Акс этиб кўп узоқдан,
Дерки: «Наридан сўра!..»

Кўп йўллар ортда қолди,
Кетиш, сурилиш яна.
Мени ким йўлга солди?
Интилиш бор кўнгилда.

Чарчамайди тевалар,
Азал, абад йўлида.
Сўйлар алланималар,
Юлдузлар кўк чўлида...

1927, 4 июнь

БОҒ ЙЎЛИДА

Чарчаб қолган кун ётоққа йўл солди,
Боғчалардан узоқлашди қуш сози.
Бўшликларга титраб, секин тарқалди
Аллақайдан сўфиларнинг овози.

Қора парда чўкди чангли йўлларга,
Чирилдоқлар унда-бунда сўйларди.
Узоқлардан қизлар, йигитлар яна
«Дарёларнинг ул юзи»ни куйларди.

Аравани лиқиллатиб деҳқон чол
Ёнгинамдан ўтиб кетди жимгина.
Йўллар қора... тикиларди ёш хаёл
Олтин кўзли кўк қизлари ҳуснига.

1927, 14 июнь

* * *

Эй севгилим, мен учун ўзга бир рафиқ,
Ўзга бир севги йўқ, сенда вужудим.
Сен билан тирикман, сен-ла кўз юмгум,
Маҳзун кўзим сендан олур табассум.

1927

Қайғу-да меҳримни сенга еткимас,
Йиғлайман, ундайман фақат беҳуда.
Қалбимда чайқалур ҳижрон ҳар нафас,
Кошки ўтда куйсам ё чўксам сувга!

Ёдинг кўз ёшимда сузади ҳар он,
Дўстим, қачонгача бу золим ҳижрон?

1927

КУЗ СЕЗГИСИ

Яна куз... ҳар томонда япроқлар,
Қалтираб аста ерга бош қўйди.
Кўк булут... қолмамиш гўзал чоқлар.

Баъзи вақт офтоб булутлардан
Мўралаб дардли, ўксиз боғларга
Қочадир эзгувчи сукутлардан.

Нақадар сирли шеърга куз бойдир,
Боғда мен тентирар экан сездим.
Қалб фақат навбаҳорни йўқлайдир.

1927,
Ленинград,
Дорилфунун боқчаси

Қорнинг заҳар тилли ўткир шамоли
Сўнгги япроқларни қўпорар ширт-ширт.
Сўнгсиз уфқларда қишнинг ҳаёли.
Абадий сукутдек узалмиш жимжит...

Айрилиқ ўтидан кулни учирди
Оналар қалбида қорнинг нафаси...
Хотиралар уза кўнгилга урди
Денгизда адашган бир кема каби.

Қиш ёйди ҳар ёққа оқ сочларини,
Ҳар мазор устида бир кўнгил қонар.
Оналар йўқлайди қулунларини,
Ёмондир севги, ғам ва айрилиқлар...

1927

ҚИШ КЕЧАСИ

Юлдузларнинг томар

Олтин кўз ёши...

Қорларда жим порлар

Брильянт тоши...

Шамол юзни силар,

Иссиқни шилар...

Қўйнингда титраган

Ёзга қўл тикар...

1927

БИРЛИК СЕЗГИСИ

Кечаси... Осмонга секин боқаман,
Кипригим устида чексизлик ўйнар.
Кўксимда овунчоқ эртакларим бор.
Ҳаёт кемасида қайга оқаман?...
Кўклардан жимгина олтин нур ёғар,
Япроқлар ҳаётдан парча куйлайди.
Ирмоқлар ҳаётдан илҳом сўйлайди.
Ёлғизлик сезмайман, аллалар баҳор...
Шу онда яқиндир «Сомон йўллари» —
Ҳар нарсa ғуж бўлган, менга ёт эмас,
Кенг борлиқ мен билан олади нафас,
Силайди кўкламнинг ипак қўллари.
Борлиққа отилган абадий ёйман,
Қалбимнинг тинимсиз уришларини,
Сонсиз юлдузларнинг юришларини
Ҳаёл қучоғида ҳар кеч улайман...

1928, январь

АБАДИЙ ЙУЛЧИЛАР

Қорли йўл — оқ лента
Чўзилган чексиз.
Қора сочин кеча
Ёйган мисли қиз.

Юлдуз каби порлар
Бир нарса... узоқ.
Юрамиз у қочар,
У олтин япроқ.

Асрлар ҳам секин
Ортда қолади,
Тиним йўқ, бир-бирин
Кутиб олади.

Сўйла, олтин нигоҳ,
Эй сеҳрли юз!
Мумкинми етиш, оҳ...
Қорли йўл — оқ лента,
Қокма, эй юлдуз...

Чўзилган чексиз.
Тўхташ йўқ, биз яна
Мангу кетамиз.

1928, 28 февраль,
Ленинград

Олтин қуёш нуридан,
Япроқлар суруридан
Тўқилган хотиралар
Кетмас, мангу мен билан.
Ёшлигинг нашълари
Кўзларингда ёнарди.
Баҳор гунафшалари
Ёш кўксингни ўпарди.
Мовий ўзоқлик билан
Ўпишган тўғри йўлда
Кезардик... капалакдан,
Гулдан ўйинчоқ қўлда.
Ипак қанотли баҳор
Сочларингни ёзарди.
Сийнага қўлин солар,
Туйғунгни қўзғатарди.
Ҳар кўкламда мен яна
Сени йўқлайман фақат,
Ай, нозли ёр! Кўнглимга
Ҳижронинг солди ҳасрат.
Олтин қуёш нуридан,
Япроқлар суруридан
Тўқилган хотиралар
Кетмас асло кўнгилдан.

1928, 29 март

ОҒОЧЛИКЛАРДА

Баҳор қуёшининг олтин кулгиси
Яшил япроқларда яшнаб ўйнайди.
Эркин қушчаларнинг қўшиқчи дили
Кўклам нашъасидек тошиб қайнайди.

Ҳар ёқда ёш, яшил ва қувноқ ҳаёт,
Ўсиб юксалади тинимсиз ҳар оғ.
Тентирак бир шамол ёзаркан қанот,
Барглар алланима сўйлар узоқдан.

Шу гўзал суҳбатга қулоқ соламан.
Тез ўтар баҳорга ҳайрон қоламан.

Ленинград,
1928, 10 май,
Лесной парк

ХАЁЛИМ

Хаёлим қўйнида ётган чоқларда,
Ипакдан қўллари кўнглимни силар.
Ўзимни сезаман юксак тоғларда,
Ҳар нарса кўзимга секин сузилар...

Кипригимга алам қўнган онларда,
Хаёлим бўйнига қўлни ташлайман.
Жондан гўзалдир шу замонларда,
Ёқут кўзларидан ўпа бошлайман.

Бир кулса ўзоқдан хаёллар гули,
Яшнайти шоирнинг шу тентак кўнгли.

1928,
Ленинград

КЕЧА СИРЛАРИ

Кеча... Теразамдан қарасам секин,
Ҳар нарсa ухлайди, кўчалар жимжит...
Йўлларга қуяди сарғиш ва майин
Нурини чироқлар... ҳар ёқда милт-милт.

Кўкларда юлдузлар ҳадсиз, ҳисобсиз
Кулишар... кўзимда яшнар учқуни,
Олтин боқишлар-ла шу онда ёлғиз
Ечилиб кетади кўнглим тугуни.

Ипак нурларига боғланиб қолиб
Абадий шеърларга бирдан толаман.
Қўлимга суюкли созимни олиб,
Чексиз дунёларнинг куйин чоламан.

1928, май

КУРИНИШ

Икки ёнда оғочлар,
Йўл узун ипак лента...
Мудрар тилсиз япроқлар,
Кезаркан битта-битта...

Баъзан у ёқ-бу ёқдан
Бир қиз кулиши учар.
Титраб бўшлиқда бир он
Сокин кечани қучар.

Япроқлар орасидан
Сўнгра ой мўралайди,
Ҳаёт нашъаси билан
Шунда юрак ўйнайди.

1928, август

Бошимни кўксингга қўйган чоғимда,
Кўзимда сирларнинг юлдузи ёнди.
Қалбимни кўзларнинг ҳусни босканди,
Бир онда очилди баҳор қучоғи.
Гулларга отилдим, кетди қалб дўғи,
Бошимни кўксингга қўйган чоғимда...

Яширин кучларнинг ипак қўйнида,
Мен озроқ ётайин, тўхтанг, замонлар!
Абадий қайтмас бу гўзал онлар...
Хаёлим гуллардан тақсин маржонлар
Яширин кучларнинг ипак қўйнида...

1928, 15 октябрь,
Ленинград

УЗОҚДАН ТУРИБ...

Кўзлари чўлпондек нозли севгилим!
Кўзингга бир боқиб, мен севдим сени.
Хаёлинг эсларкан қонайди дилим,
Ёлборай, гўзалим, унутма мени!

Дарёлар сингари кўнглим жўшқинди,
Бир тола сочинг-ла боғланиб қолди.
Васлингга етганим на гўзал кунди,
Айрилиқ сийнамга ёнғинлар солди.

Хаёлдек йўқолди яйраган чоғлар...
Дардинг-ла сўнаркан, қора шўх кўзим.
Сени эркалайди денгиз, қирғоқлар,
Кўзлари чўлпондек нозли севгилим!

1928

СЕВГИ УЧҚУНЛАРИДАН

Бир тола сочингми бўйнимнинг боғи? —
Темир занжир каби уза билмайман.
Қалбимда минг яра — ҳижронинг доғи,
Қачон мен тиззангга бошим қўйгайман?

Айрилиқ йиллари оғир юк каби
Сийнамга чўкмишдир, нозли севгилим.
Севгинг саҳросида кўрмагач сени,
Ёнғинда жизғинак бўлди ёш дилим.

Қовушган кунларнинг у олтин изи
Ёшли кўзларимдан сира кетмайди.
Мангуга қочдингми, эй хаёл қизи,
Чолғумнинг инграши сенга етмайди?

1928

Қалбимнинг фарёди қаламдан тўкилди
Мен сенга, гўзалим, шу хатни ёзаркан.
Ёнғиннинг тиллари сийнамни кўп юлди,
Шоир ҳеч қутулмас бу ўксиз ишқидан.

Боғчада сен танҳо бекиниб, номамни
Ўқигач қалбимга бир умид бағишла!
Қора кўз кўзимга чўккан шу мотамни
Йўқот, эй севгилим, бир юлдуз боқиш-ла!

1928

ТУРСУНОЙГА

Гулгунча жамолинг
Қонларга бўялди.
Дилларга хаёлинг
Ғам нақшини солди.
Эй, нозли малика!
Қалб йўқмиди унда?
Бир нашъали тунда
Ханжар сола қолди.
Сен саҳнада гул-динг!
Бир бошқа кўнгил-динг.
Чақмоқ каби кулдинг,
Кулгинг-да йўқолди.
Сен кулгучи денгиз,
Қўйнингда недан из?
Англашда биз — ожиз,
Йўқлик сени олди.
Япроқ каби учдинг,
Чўлларними қучдинг?
Сен саҳнада куч-динг,
Қон қасдини олди.
Дилларга хаёлинг
Ғам нақшини солди.
Ул гунча жамолинг
Қонларга бўялди.

1928

РЕГИСТОНДАН УТГАНИМДА

Эй мозининг йиқиқ, хароб сийнаси!
Яна тоғдек кўкка қараб ётасан.
Сенда синди қанча қуёш нинаси?
Яна олтин жилваларни отасан.

Асрларнинг оғирлиги чўкади
Ёш кўнглимда сени ҳар кун кўраркан.
Бир лаҳзада буюк тарих ўтади
Хаёлимда... бир он толиб қоламан.

Буюк гавданг кўз ёшим-ла бирлашган,
Остингдадир шиббаланган суяклар.
Шунинг учун яна маҳкам тиккай сан,
Рангинг тоза... юзларингда чечаклар.

Минг-минг киши баданидан эмиб қон,
«Буюклар»нинг исми учун юксалдинг,
Сени сийпаб ўтган нозли шамолдан
Тинглайсанми у, тузилиш тарихнинг?

Бу кун ҳаёт чиқди эски излардан,
Меҳнат қаттиқ курашини бошлади.
Эски дунё қаптирайди бизлардан,
Қўллар занжир, кишанларни ташлади.

Кучоғингда янги ҳаёт яйрайди,
Олдимизда нашъа тўла кунлар бор.

У кунларни қувиб кучлар қайнайди,
Кўрасан ким ипак кийган тунлар бор...

Замонларнинг билинмас кўп қўллари
Юзларингни тимдалаган, доғ солган,
Сўйла, қанча қушлар учиб зангори,
Тиниқ кўкдан... кенг сийнангда дам олган!

1928, август.

Самарқанд

Оқшом кўлкаси чўкди ҳар ёқда,
Чаманликларда ўйнашиб ётдик.
Нозли япроқлар куйлаган чоғда,
Тотли сирларга биз секин ботдик.

Мангулик ёки онми шу чоқлар?
Кенг хаёлларга дилми боғланди?
Бир нима дейди нозли япроқлар,
Билмадик, лекин қалбимиз ёнди...

1928, 20 сентябрь

ҶИШ КУЙЛАРИ

Титрашиб кўкда оқ капаклар
ҳар ён учади.
Уйнашиб андак майин чечаклар
ерни қучади.
Қорга ўралаб туман қўйнига
трамвай чопар.
Юксак бинолар тезда бўйнига
оқ рўмол ўрар.
Ўйноқ Нева ҳам муз кўрпасида
уйқуга толган.
Кул ранг булутлар шаҳар кўкида
чексиз, кенг қалқон.
Юлдузчаларнинг кумуш юзини
чаналар эзар,
Қўнғироқчалар қиш уйқусини
чўчитиб кетар.
Тимдалар бетини муздек шамоллар,
тинчитмай бир он.
Мактабдан чиққач, биз қатор-қатор
ўйин «қор бўрон».
Қалбимиз жўшар, ёш куч ёнади
тизларимизда,
Оппоқ чечаклар инграб қолади
изларимизда.

1928, 20 ноябрь

БАҲОР ҚҰШИҚЛАРИДАН

Олтин сочли баҳор қизи, аллала!
Лолаларнинг қўйнида мен ётаман,
Кўзларимда қуёш нури ўйнайди,
Аллақайда қушлар тотли сайрайди,
Нозли ҳислар булутига ботаман.

Шу онларда телба кўнгил маст яна,
Ҳасратим йўқ, ёлғиз ором оламан.
Кулган шафақ — ҳаёлимга толаман.
Лолаларнинг қўйнида мен етимча,
Олтин сочли баҳор қизи, аллала!

1928, 18 ноябрь

Қора қиз, йўлдан ўтарсан,
Кўзлар-ла кўзни оларсан,
Кўнгилни аста ёқарсан.

Лабларми ёки гилосми?
Кўзларми ёки чаросми?
Бу киприклар сенга хосми?

Юзларда инжа табассум,
Келмас ҳеч тунлари уйқум,
Боғланди сочларга туйғум.

Қўлларда даста китобинг...
Фанларда ақлу хаёлинг,
Чиққайми ишққа саводинг!

Юлдузлар ҳам ухлай олмас,
Ойнангдан кўзни узолмас...
Кўксингда ором ололмас...

Офтобхон! Кўклам очарсан,
Ҳар дилга севгили ёрсан,
Тушларга нашъа соларсан.

Ёшлик чоғ мунча чиройли,
Тунларки тотли ва ойли,
Шўх ҳислар ичра чўмайми.

1928

Оқшом юлдузи, яна
Олтин киприкларинг-ла,
Дардларимни ёза қол!

Ушлаб севгим қўлини,
Тутдим ҳижрон йўлини,
Сен олтиндан излар сол!

Белгисиз диёрларнинг,
Сир аралаш ёрларнинг
Дўстиман... кўнглимни ол!

1928,
Тошкент

БАҲОРНИНГ КЕЛИШИ

Ботди қуёш — қиз,
Ёнди узоқда
Атлас этаги.
Кўкда бир юлдуз
Кулди шу чоқда...
Оқшом чечаги!

Ёнгил шамоллар
Тентираб қолди
Кўча-кўйларда.
Майин рўмоллар
Каби судралди
Оқ булут кўкда.

Баҳорнинг нозик,
Ипак нафаси
Етишди қонга.
Тарновдан «тик-тик»
Томчи пардаси
Учди ҳар ёнга...
Кўзимда қотган
Дард қанотланди,
Йўқликка учди.
Қалбда ухлаган;
Нашъа уйғонди,
Кўкламни қучди.

1929, апрель

Яна баҳор келди, яна қалб ёнар,
Яна гул палласи, яна ишқ фасли,
Узоқликлар сари кўнгил толпинар.
Яна ичда жўшар ҳисларнинг масти...

Уфқлар имлайди, кўк ҳам, булут ҳам,
Гунафша кўзида ёнар жонли ҳис,
Дарахтларга гулдан тож қўйган кўклам,
Ишқим юпатса-чи... йўқ, мендан олис!

Ариқларда лим-лим оқади шўх сув,
Йўқ, сув эмас, оқар жонли, ҳур қўшиқ,
Боғларни қучган бир олтин уйқу
Ҳар ёнда гўзаллик, ҳар ён бахт тўлиқ.

1929, апрель

ОНЛАР

I

Қуёш оғди уфқдан,
Бир тўплам олов сочин
Илиб қолди ўрмонлар...

Узоқликларда шу он
Секин ёзди қанотин
Мовий, майин туманлар.

Енгил табассум ёғар,
Осмон зангори, сўнгсиз
Коинотга боқаман.

Кўкда юлдузлар ёнар,
Абадият гўзал қиз
Каби ётар... толаман...

1929, апрель

Мен юраман аста-секин,
 Йўллар қумли, ипак каби...
 Уйғонмиш тонг ва шамоллар.

* * *

Узун йўлнинг ўнг ва чапи
 Қатор юксак яшил арча
 Учларида қуёш ёнар.

* * *

Эркин қушлар ва япроқлар,
 Куйлашади узоқ-яқин.
 Бундан кўзни ололмайман.

* * *

Шунда битар ғам, фироқлар,
 Мангу ҳаёт мусиқасин
 Тинглаб-тинглаб қонолмайман...

1929, май, Ялта

ОҚШОМ СЕЗГИСИ

Тоғларда илинди қуёш этаги,
Оғочлар узоқда бир тўплам кўлка.
Денгизда порлаган ғуруб чечаги —
Сувларнинг қўйнида қизил машъала.

Учиб бир гала қуш аллақайларга,
Йўқолди кўзимдан нуқталар каби.
Сукунат чўзилди жар ва сойларга,
Ҳар ёқда кундузнинг учди шўх дами.

Фақат онда-сонда юксалар секин,
Қрим қизларининг тунги қўшиғи.
Ёнаркан юлдузлар ҳам бирин-сирин
Оқади кўнглингга олтин туйғуси.

1929, май. Ялта

ҚОРА ДЕНГИЗ БҰЙЛАРИДА

Тинчибгина ётолмайсан ётоғингда,
Денгиз, бунча ҳар он жўшиб чайқаласан!
Сўйла, қачон уринишдан сен толасан?
Тўлқинларинг тош кемирар қирғоғингда...

Сен зангори ва улўсан осмон каби,
Бир асабий ғазабинг бор, юзинг титроқ.
Тоғлар бағрин савайдирсан шароқ-шароқ,
Бу исёнинг абадият алаими?

Сени севдим, сенга толдим, жўшқин денгиз!
Сенга боқсам унутамаман гўзал ёрни.
Қайна, кўпир, кемирабер қояларни,
Жаҳаннамий чуқурликда кучинг чексиз...

1929, май. Ялта

ЯЛТА КЕЧАСИ

I

Кумуш булутлар қучоғида ой
 шўнғиб сузади.
Бурушиқ тоғлар, дала, қир ва сой
 мудраб ётади.
Оғочликларда япроқлар куйи
 тунни аллалар.
Юлдузлар тўкар оҳиста қуйи
 олтин хандалар...
Уринмай мағрур ётоғини тинч
 қучгандир денгиз,
Қалбимда ўйнар сўнгсиз бир севинч,
 кезаркан ёлғиз...

1929, май.

Ой кўкда бепарво тентирар яна,
 Кумуш тун чексизлик қучоқлашганлар...
 Тоғларда аллаким ёқди аланга,
 Афсона девларнинг кўзидек ёнар.

Кўзимда белгисиз кўлканинг изи,
 Севгим ҳам кўнгилда тип-тинч ухлайди.
 Суюкли чечаклар, боғчалар қизи
 Руҳимга нега нашъа тақмайди.

Хаёл кemasида сира чарчамай,
 Кезаман жимгина мен коинотни...
 Сен мени масхара қилма, гўзал ой!
 Шоирлар севади шундай ҳаётни.

1929

Уфқлар қуроқ тутди.
Ранг-баранг булутлардан.
Юксак огочлар учи
Қуёш сочлари билан
Секин ўйнайди...
Соф узоқлик,
Сўнгсизлик
Маъсум бола каби тинч,
Абадият қўйнида
Ётиб мудрайди...

Жимгина толаман...
Шу дамда
Кўнгил фалсафасига
Сажда қиламан.
Кўксимга сиғмайди —
Севги, севинч...

1929

ТОШЧАҚАР

Вақт пешин... ёзнинг олов яхтаги.
Ҳар нарсани қовжиратиб ёндирар.
Кўчаларнинг қизғин оташ, нафаси
Қизган симдек баданларга ёпишар.

Оғочлар ҳам қимир этмас, мудрайди,
Иссиқ-иссиқ! Фақат бунда бир тошчи
Болға билан тошларни хўп савайди.
Зарбасидан титраб кетар ер ости...

Писанд қилмас иссиқликни «тош-
чақар»

Шодлик сочар меҳнат куйи: «чақ,
чақ, чуқ».

Юзларидан, кийимидан тер оқар,
Унинг қора кенг манглайи бурушиқ.

Ҳеч нарсага назар солмай шу узун
Ёниқ кунда бахт тошини чақади.
Эрклик учун, олтин кунлар туз-
мак-чун

Зарурият кишанини узади.

1929

ЁЗ КЕЧАСИ

Ой нурлари мудрайди
Япроқларнинг бетида...
Теран сукут шу тунда...
Кўнглимга туташгандир.
Сўнгсиз, улуғ коинот,
Мангу ёш гўзал ҳаёт.

Юлдузларнинг узоқда
Олтин киприги ўйнар,
Суяди, эркалайди
Она каби мени-да...

1930

САНЪАТ ИШҚИ

Кўп ойлар қолсам сендан узоқда,
Эй, санъат, оташинг ёқар кўксимни;
Уйқусиз тунларни кечирган чоғда
Қонимга кирмишсан, эй буюк севги.

Порлайсан абадий, олтин машъала,
Сендадир гўзаллик, ҳақиқат, ҳаёт,
Ҳар жилва очади янги манзара,
Сен билан англомур бутун коинот.

Эй, санъат, боғчангда мангу қолайин,
Олтин найларингни тинмай чалайин.

1930, 11 июль,
Москва

ДЕНГИЗГА

Эркалан, шўх денгиз, ўйна, шўх дөнгиз!
Уфқлардан ошар, сифмас қирғоғинг.
Йигит кўнглим каби қайна тинимсиз,
Юксакларда қуёш — олтин байроғинг.

Соҳилингда бордир яшил, кенг боғлар,
Гуллари уйғонар чўчиб бўсангдан.
Абадий кўйингни туманли тоғлар
Тинглайлар бир улуг сукунат билан.

Эй дөнгиз, эркалан, аждардек тўлған!
Кучинг зўр, ошиб ўт юксак тоғлардан.

1930, август

ДЕНГИЗДА ОҚШОМ

Сувларда секин ўйнар,
Олтин қайиқчалардек,
Қуёш алангалари...

Ғуруб ёнғини қоплар,
Само юзи анордек,
Булутлар атлас каби...

Уфқлар қулочига
Сиғмаган буюк денгиз
Чайқалар секингина.

Сувлар қуёш сочига
Ўралашиб тинимсиз
Ўпар қирғоқни аста...

1930, октябрь. Сочи

КУНДУЗ

Катта оқ туя каби,
Булутлар секин чўкар
Яшил тоғ, тепаларга...

Анҳор кумуш лентаси
Уфқларга чўзилар...
На фусункор манзара!

Нозли сарвлар секин
Узоқларда рақс этар,
Ҳаво тиниқ, енгил, соф...

Узун олтин бандагин
Оғочликларда сургар
Кўклам қизи офтоб...

1930, Сочи

ҚИШ — ДУТОР — ЧОЛ

Қор капалаги —
Поёнсиз гала...
Кўкни қучишлар,
Эркин учишлар
Билан чарчаган
Оппоқ қанотлар
Синадир ерда...
Шамол парраги
Тинмай айланар,
Қорларни хирмон
Каби совулар...

Ҳужра эски, тор...
Аланга тили
Қуюқ кўлкани
Ямлар ва ютар...
Чолнинг бурушук
Юзини шуъла
Жимгина ялар.
Чол кўзи юмуқ,
Завқларга тўлиқ,
Чаладир дутор...
Муаззин товши
Илашиб ерга,
Бўлиб дабдала,
Келар узоқдан,
Чолнинг йўқ иши.
Қор капалаги

Туйнукчалардан
Учиб тушади.
Кичик бир қатра,
Кўз ёши каби
Юмаланади...

Бу чол чин зарбдор,
Ишлайди кундуз.
Қиш оқшомининг
Сукутларида,
Чалганда дўтор,
Ўзин овулар...
Порлайди юлдуз
Қари кўнгилнинг
Булутларида...

1933, январь.
Шаҳрисабз

БАХТИГУЛ ВА СОҒИНДИҚ

Бир қўйчи бой бор Отабой деган,
Теваларининг йўқдир ҳисоби,
Қўйлари учун қирлар тор экан,
Йилқилар чанги — булут мисоли...
Ҳар йил қатнарниш «Қарқарага» у —
Карвон бошида. Шовқин, дабдаба!
Чўллардан қувиб жим, қизғин уйқу
Карвон жаранги сузар оҳиста...
Олмовут отда Отабой мағрур
Барзанги қомат, йўғон калладор.
Намат қалпоғи остидан сузур
Қийиқ кўзларин мудроқ ва айёр.
Тўнкадай оғир (ҳа, отга жабр!)
Пихиллар, мудрар, чайқалар вазмин
Ёнда қароллар — бари жулдур, кир;
На кундуз, на тун уларда тиним.
Отабой машҳур иштаҳада ҳам:
Семиз кўзидан қолдирмас қулоқ.
Қорни қимизга мешдай серкўлам.
Мекиради у ошаб «бешбармоқ».
Қўпол ва пишиқ кийим — буюми
Наматдан қалпоқ, қозоқи қамчин.
Пишиқ нарсани мақташ удуми.
Этик нағали — тақадай вазмин.
Мактабдан насиб бўлмаган «алиф».
Йўғон бармоғи — қалам ва имзо.
Минг қўйни санар бир кўз югуртса,
Ҳисоб жўнида лол қолар мирзо.

Намозда ҳам эс туёқ сонида.
Бахт берибди дер қўй қумалоғи!
Зарини тўкар оч ҳамёнига
Қозоқ даласи, қирғизлар тоғи...
Чўлларда қанғиб, сувсиз ҳансираб,
Боболари ҳам чиниққан экан.
Гоҳ одамларга уқтиради гап:
— «Суякларимиз хўб заҳмат чеккан!»
Ёз яллуғида, қиш бўронида
Пода ҳайдаган қарол, чўпонлар
Келмасди унинг ҳеч хаёлига.
Бу сирни билар дашт-биёбонлар!

Мана «Қарқара». Шамол, чанг, шовқин.
Ясанган, миқти қозоқ бойлари,
От жабдуқлари кумушдан бутун.
Чорвадор бойлар — гердайган бари.
Ҳар бирида бор туганмас пода,
Туну кун ҳайдар исқирт қароллар.
Бари увада, тўзиқ ва содда,
Чангга беланган аёллар, чоллар...
Минг-минг қўй, юз-юз йилқини нуқул.
Савдонинг қорни ютмоқда бутун.
Чўққайиб чўлда даста-даста пул
Санайди бойлар, жиддий ва мамнун.
Қаролларида на пул, на туёқ!
Умр улар-чун азоб, машаққат!..
Ҳаққин сўраган олади таёқ,
Бой ювиндиси насиба фақат.
Чиқди Отабой ўтовдан секин,
Кирди бозорга мағрур, кекириб.
Авраш, қўл қоқиш, дўқ... бирин-кетин
Ҳийласин бой борди едириб.
Савдо сеҳрига берилди аста,
Кўзларда ёнди маст олов бир чоқ,

Қулай иш!

Омад!

Қўлингни бер!

Ҳа!

Подалар қўлда! Пул кўп, иш — қаймоқ!

Бироқ, Отабой бўлиб қолди лол,

Сеҳрлангандек шунда ногаҳон,

Титраб қалин лаб, супурғи соқол.

Не бўлди унга? — мирзоси ҳайрон.

Отабой қилди мирзога имо.

Мирзо ҳам тишлаб қолганди қалам:

Сахро гўзали чанг, шовқин аро

Боқар тевадан — ёш, содда, кўркам.

Туксиз ва орриқ тевада бир қиз,

Қийғоч кўзларда қора ўт ўйнар.

О, сахро гули нақадар нафис!

Жоноқи олма — юзи товланар...

Қозоқ гўзали — бир етимча қиз,

Унинг тираги — чала кўр бобо.

Сахрода ичиб бир заранг қимиз,

Чол билан келган, қилар томоша...

Ўзин унутди гўё Отабой.

Чўри олмоққа қилади қарор.

Чолни топиб у, кўндирар қулай.

(Қозоқ бойлари унга мададкор!)

Чала кўр бобо тугар оқчани.

Сотилди гўзал жудаям арзон.

Етаклаб бобо қари тевани

Хайрлашаркан, қиз бойқиш ҳайрон.

Нима гап? Нега унинг бошини

Силайди хушҳол бегона одам?

Сир бўлди маълум. Қиз кўз ёшини

Тия олмайди, юрак тўла ғам...

Ботди кўлкага тепалар, сойлар.

Мирзо эзғилаб қормоқда норин.

Тўпланар таниш савдогар бойлар,
Табриклайдилар тўлдириб қорин.
Ҳаммадан бу чоқ Отабой мамнун.
Туёқ сонини унутди бир дам.
«Бой отам — йигит бир гули бугун
Очилади-да!» дерди ҳар беғам.

Уксиз Бахтигул (исми шундайди)
Ёлғиз йиғларди қўшни ўтовда.
Уйи, ҳислари қора тундайди.
Эрк йўқ, севги йўқ,— бари оловда
Севар эди қиз — чўри Бахтигул
Соғиндиқ номли гўзал бахшини.
Дўмбирасида сайрарди кўнгил,
Қиз истамасди ундан яхшини...
О, не бўлади йигитнинг ҳоли?
Сайрарми энди булбул — дўмбира!
Овулда ҳолин сўрғувчи борми?
Бундан оғирроқ дард бўлмас сира!
Кўркам ўтовда жим ёнади шам.
Овланади шолча, гиламлар.
Сандиқлар жези порлайди бирам.
Лекин қиз қалбин эзар ситамлар.
Кеч-тунда кирар Отабой мана.
Қозоқча сўйлаб, эркалар бирпас,
Кейин дўқ қилар,

Судрар тўшакка,
Қиз зир титрайди, кесилган нафас.
Тун-кун Бахтигул қамоқда қолди.
Бойидан ўзга киролмас ҳеч ким,
Эркин қанотлар тош бойлаб олди,
Руҳ кишан кийди, янграр юрак жим.
На элдан хабар, на қуёш, на ой?
Қани қирларнинг майин шамоли?
Қани селларга ётоқ бўлган сой?
Қани нашъали овул оқшоми?

Утовда — ҳар вақт ёлғиз бағри хун.
Мўралай олмас ёруққа бир он.
Кундуэлари ҳам унга мисли тун.
Бир одат борми бундан ҳам ёмон!
Бир кун Бахтигул бошлайди ўлан —
Кўнглини пича истар бўшатмоқ.
Бой кирар. Чўри юзин тўсиндан
Қонга бўйяйди олов шапалоқ...
Ўтди ҳафталар, тугалди савдо
Ўн минглаб қўйни ҳайдар Отабой.
Бутун чангини кўтарар саҳро.
Чангдан кўз юмар ҳатто қуёш, ой.
Шамоллар сургар қум тепаларни.
Иссиқ шундайки, гир айланар бош.
Ҳаммадан ёмон сувсизлик дарди.
Ҳатто тевалар қилолмас бардош!
Бахтигул қалин чакмон ёпинган.
(Паранжи топиш чўлда имконсиз!)
Қалбида умид-орзулар синган.
Тевада юкдай боради жонсиз,
Қуёш қумлардан ботар қумларга.
Кўкда бир қуш йўқ, ерда бир гиёҳ,
Бегона юртга, ёт удумларга
Элтарди тақдир... Унда не гуноҳ!
Сал ортда қолса, «бойи» таёқлар.
Қўчимларда ҳам дам олмас лекин:
Дудга кўмилиб ёқар ўчоқлар,
Бойнинг гавдасин уқалар кейин...
Оғир сулайиб ухлар биёбон,
Саксозулларда юлинар шамол,
Юлдуз кўклами — чақнайди осмон.
Кавш қайтарар тевалар хушҳол.
Бахтигул ётар чодирда уйғоқ,
Қулоқ йиртқудай бойнинг хурраги.
Чўрини босар мунгли ўй узоқ:
Сирли ҳислар-ла тўла юраги.

Кўрган тушларин эслар, таъбирлар,
Боши огрийди, кўз юмар ҳорғин,
Бироқ ногаҳон чўчиб қалтирар:
Эшитади у яқиндан шовқин —
Отлар дукури, сўкиш, ҳайқириқ.
— «Қароқчиларми?» — Учар ташқари...
Барча чодирлар қўзғалар қаттиқ.
Карвончиларнинг югурар бари,
Қўлларга олиб чўқмоқ ва таёқ.
Мана Отабой очади чодир,
Чақирар уни дарғазаб-титроқ,
Кейин кўксига мушт солар оғир...
Шунда тўполон, чанг орасидан
Етар шўрликка энг таниш товуш.
«О, бу — Соғиндиқ!»

Ёр сийнасидан
Учади фарёд.— Ўнгми ёки туш?
Бахтигул ёрга истайди учмоқ.
Қидириб келмиш мард дўстлар билан
Кечиб жондан у!

— «Жон тикмак керак!»
Бироқ қўлида бой қўли — кишан...
Бахтигул боғлиқ, инграр чодирда.
Узоқлашади қийғос — тўполон.
Кейин янграйди овозлар қирда:
«Ўғрилар қочди!»

— «Тўкилмади қон!»
Карвон етади Тошкентга.

Кўркам
Бир дарвозага кирар Бахтигул.
Отабой дейди хотинга шу дам.
— «Мана бу чўри сеники буткул».
Бойвичча бека дер ранги ўчиб:
— «Оёғи қутли бўлсин, илоҳим!»
Бекага боқар Бахтигул чўчиб,
Қадайдиган ерга кўзларини жим.

Шу кундан бека пармалар уни,
Хизматкорларнинг баридан у хор.
Бошида таёқ синар ҳар куни,
Унинг-чун ҳар чоқ минг юмуш тайёр.
Қўллари косов, сочлар супурги,
Тунда чўзилар қора катакда.
Кўрпа ва тўшак-наमत чуруги,
Жулдур кўйлакнинг энги билакда.

Бека ҳуснига тушса ҳамки оқ,
Упа-эликли, макрли сатанг.
Эрнинг изларин пойлайди ҳар чоқ.
Сулув чўридан унинг дили танг,
Бахтигул учун бу уй — «ичкари»
Ҳар вақт даҳшатли, қора қабрдай.
Мудом бош букик, очилмас лаби.
Кунлар суякка ботар занжирдай...
Бир куз фаслида қайтди Отабой,
Ҳар йилгидай мўл «Қарқара»дан мол.
Отлар кишнашар, дингиллар кўп той,
Тевалардан юк ташир кўп қарол.
Ичкарида зир титрар Бахтигул,
Сиртда элатлар сурони баланд.
О, мўраласа бир зумгина ул!
Ёрни, бобони билган бормикан?
Мана шом бўлди, тинди ташқари.
Элатлар гулхан ёқди, учқунлар
Бир-бирин қувиб учар кўк сари.
Бахтигул ётар, қизғин қуюнлар
Сингари ёқар юрагини ғам.
Уйқуси келмас. Тўлғанар ҳар ён.
Шунда юксалар суюкли, кўркам
Таниш бир овоз! Шунда ногаҳон
Жаҳон ёришар Бахтигул учун:
Соғиндиқ куйлар! — Мумкинми ахир!

Қалтираб тинглар, юракда тўлқин.
Дардини куйлар ёш оқин — шоир:

«Келдим сени сўроқлаб,
Дилда ёлғиз ардоқлаб,
Ҳолим сўр, марҳамат қил,
Берган сўзингни оқлаб...

Сендан айрилган куни
Бошланди умр туни.
Сайрамади дўмбирам,
Куйлатардинг сен уни!

Кўзларимга овул тор,
Кўкламимни босди қор.
Ошамадим, ичмадим,
Дардинг озиқ бўлди, ёр!

Келди ботир йўлдошлар,
Қўллади кўмакдошлар,
Чўлда изинг қидирдик,
Налар кўрмади бошлар?

Бир тун етдик карвонга,
Ҳар биримиз арслонга:
Айланиб қилдик босқин
Бонг урдик биёбонга!

Тақдир кўр экан бироқ,
Қутқаролмадим у чоқ.
Яна бир йил ғам ютдим,
Йигитликда сочим оқ.

Катта бозор «Қарқара»,
Бойлар бор гала-гала.
Қулликка рози бўлиб,
Келдим бу бўсағага.

Бу ерда бахтим гули,
Ҳаммадан ўзи сулув:
Дўмбирам, ёрни мақта,
Сен азалдан булбули!»

Тинглар Бахтигул, ҳар томирида
Қуёш нуридай куй оқар эди.
Йиқил, ёрилтош!

Зулмат ҳовлида

Дев қўрғонларга у боқар эди.
Йиқилса тўсиқ, учса ёр сари
Ва қучоғига ўзини отса.
Шунчалар чеккан азоб бадали,
Эрк, севги завқин зумгина тотсал!
Лоақал, қўйиб борица товшин,
Ҳозир куйласа бутун дардини,
Бутун соғинчу, бутун ёзмишин,
О, ёр тингласа юрак зарбини!
У — чўри, бунда мол қаторида,
(Ҳали бойнинг у никоҳида ҳам!)
Чиқара билмас товшини сира.
Йиғлар тонггача кўз юммай бир дам...
Кундан-кун огир эркисизлик зулм.
Севар юраклар ёнар ҳижронда.
О, насиб бўлса қовушмоқ бир зум!
Ҳамроҳ уларга умид ҳар онда.
Малай болалар уларнинг дардин,
Кўнгил сирларин ташир шивирлаб.
Зиндонга бирдан кўкламги эпкин,
Киргандек диллар яшнар бахт тилаб...
Улар ишқидан эди хабардор
Бу даргоҳдаги қароллар бари.
Бари эзилган, барида дард бор,
Елкаларида заҳмат яғири...
Зулмга қарши ноилож бироқ.
Хону бек, қози, масжиду имом

Бари ҳам бойнинг сўзини дер ҳақ.
Фатво, қамчи, пул бой билан мудом.
Оқшомлар қаттиқ меҳнатдан кейин,
Қўшхонада жам бўлур қароллар —
Ўзбегу қозоқ, қирғиз...

Жим, ҳорғин

Утирар дўстлар — ёшлар ва чоллар.
Соғиндиқ олар қўлга дўмбира.
Севги эртаги — ғамли ва гўзал,
Оқар дилларга ёниқ дард била.
Кўз ёшлар аста қайнар шу маҳал...
Сўнгра зулми, бойни қаргашар,
Гулханни қуршаб ўйлашар ғамгин.
Ошуқ-маъшуққа бахт тилайдилар.
Қиш туни оқар узун ва ҳазин...
Ҳар бир қаролда чайқалди ғазаб,
Бой арғимоғи ҳаром қотган кун
Тўққиз қаролни қорда қаторлаб
Жазолади бой (ўлган от учун,
Тўлаган тўққиз от баҳосин бой!)
Баданларда хўб ўйнади таёқ...
Ғаддор золимнинг оқибати вой!

Қароллар ўчга отланди иноқ.
Тунда бой уйин қамрайди ёнғин.
Бой, бека ётар ҳушсиз, занжирбанд...
Отлар ёради тун қоронғисин.
Чўл сари учар йигитлар хурсанд,
Бошда Соғиндиқ билан Бахтигул —
Озод шунқорлар учишар жасур.
Бу эл ҳеч маҳал бўлмаёжак қул,
Шиори: қайда золим бўлса ур!

1933

Йигит Мажнун эмас, қиз эмас Лайло,
Иккиси меҳнатнинг эркин зарбдори.
Икки севгилини қопламас асло,
Ўксиниш, айрилиқ, кўз ёши — зори...

Эшик тирқичидан мўраламайди,
Девор тешигига қоқилмайди кўз.
Севги маъносини англатувчи сўз
Кўнгилда ях бўлиб мангу қотмайди.

Машина устида қилинди изҳор
Севги ва соғиниш ва бутун кўнгил.
Меҳнатда чақилди туйғу учқуни,
На мактуб, на альбом ва на бир булбул...

Ҳар оқшом тинглашиб маҳалладаги
Клубда радио... ўйнашар дамка.
Сўнг анҳор бўйида кезалар аста,
Дудоқларни ёқар ёшлик бўсаси...

1933

Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди,
Бир ўлкаки, қишларида шивиллар баҳор.
Бир ўлкаки, сал кўрмаса, қуёш соғинар...
Бир ўлкаки, ғайратидан асаби чақнар.
Бахт тошини чақиб, бунда куч гувиллайди.

Дердиларки: «унинг руҳи инжиҳ ва хаста»,
Бироқ, томчи қони унинг бир кулча олтин!
Уқа билан тортиб сотган афсоналарин,
Аччиқ, дудли фалсафанинг кутубхонасин
Совет шарқи ёқди... Ёнди бу эски латта.

Совет шарқи тўлқинини кўринг — бу ҳаёт!
Тебратади ўлкани иш — бахтнинг ўз қўли,
Очилгандир тарихларнинг энг улуғ йўли.
Хазинасин очиб берган қири, тоғ, чўли,
Бутун шарқда ёзажак у шафакдан қанот.

Болғалар-ла парчаланди уйку илони,
Меҳнаткаш эл букун белин кўтарди мағрур,
Термометр симобидай... Упар экан нур
Янги тарих қуёшидан унинг манглайи,
Меҳнатидан айқиради энди бахт, сурур.

Далаларда машинанинг тетик нафаси,
Уфқларнинг зумрад кўксин ўпар пахтазор.
Чоллар — йигит, йигитчалар чақмоқдай ёнар,

Эркин меҳнат бахтли кўзда чўғ каби порлар.
Ироданинг қилич янглиғ ўткирдир дами.

Қайтиб келмас ва тирилмас мозий қабрдан,
Йўқчиликдан кафан ўртган скелет кунлар,
Кўз ёши-ла жинчиروғни ёндирган тунлар.
Бўшликларга юксалган у хаёл-тутунлар,
Елкаларда учқун ёнмас қамчи зарбидан.

Хонақани ташлаб фикр фанларни минди,
Электрон текширади кечаги чўпон.
Институт курсисини ўпар қиз-жувон.
«Капитал»нинг ҳар сатридан галалаб учган
Фикрларни қувар тунлаб ёшлар киприги.

Яратилди бир шоҳ асар, гўзал бир дoston,
Ғадир-будур меҳнат қўли битгандир бунӣ,
Келажакнинг баҳоридан олинган куйи,
Хаёлларга сизмайди ҳеч бунинг мазмуни,
Қофиядир фабриклар-ла қизлар қўшиғи,
Уқи ва севӣ Бунинг исми ёш Ўзбекистон.

1934

Булутлар сочингга кўз ёшим каби
Томчилаб ўтдилар бинафшазорда.
Кўз ёшим аралаш юрагим ғами
Ёзилиб кетганди бир чоғ баҳорда.

Булутлар қалдираб кечди ўт чақиб,
Чўпон уйқусига томчилар томди.
Сочларинг ёмғирдан гавҳарлар тақиб,
Кулардинг, боқишлар менга илҳомди.

Ҳар баҳор сургайди бинафшазорга,
Гулларнинг кўзидан, нозик ҳидидан
Ёдимга тушади эски хотира,
Бинафша ярқирар кўз томчисидан...

1934

КУКЛАМ ҲИСЛАРИ

Бошимда олманинг хушбўй оқ гули...
Улуғ ерни қучиб ётибман уйғоқ.
Қулочим етмаса қалбим еткуси,
Инсоннинг қалбига қуёш жинчи роқ.
Дарахтлар кўтармиш гул қадаҳчалар
Кўкламнинг, ҳаётнинг соғлиги учун...
Ясанса, қувонса қирлар, боғчалар,
Нега меҳнат, ерни мақтамай бугун?
Бирлашган меҳнат-ла техника ва фан,
Ҳаёт олтинини шахдам қазийди.
Колхознинг ҳар ёғи туташ бир гулшан,
Бу ерда иш — меҳнат бир қўшиқ каби.
Ота-боболарнинг хотираларин
Бир сукут сингари сақлайди бу ер.
Фақат мафтун этар шоир ҳаёлин
Қўйнидаги кўклам, манглай тўккан тер.

1934

Ой нурининг мавжлари ёйилар майин,
Жимжитгина кўлкалар қочар панага.
Кўкда юлдуз гуллари очилган қалин:
Ёзнинг елпиғичини тиндирмас кеча.

Уйқуси йўқ баргларнинг чучук лапари,
Қалбларимизга тегар, ҳисларни ёқар.
Ёнар кўзларимизда ёшлик нашъаси,
Ялтирар бошимизда кумуш олмалар...

Атласдай товланади ранглар чаманда,
Олтин ёмғир ювади гуллар тожини.
Жаранглаб тин ҳавода нозли бир ханда,
Қалбга боғлайди туннинг ипак сочини.

1934

КУЗДА

Учар, ерни ўпар бир гала япроқ,
Ўқиб битиришди ёз достонини.
Оғочлар гавдаси ориқ ва титроқ,
Совуқ ер ўчирди яшил қонини.

Тўсатдан куз босди, булут ва ёмғир.
«Яланг оёқ» ёзнинг кўм-кўк яктаги
Жиққа ҳўл бўлди у, офтоб сари
Тутиб кўкрагини исинар базўр.

Учиб ер тишлайди бир гала япроқ...
Сасида қуёшнинг, баҳорнинг ёди.
Гўзалдир олтин куз сўлғин парвози
Боғчаларда танҳо кезаман узоқ...

1934, 20 сентябрь

ЯНГИ ОЯ ЧИҚҚАНДА

Олтин ғўза пўчоқлар
Сингари очилганди
Кўкда ғуж-ғуж юлдузлар.

Туннинг қора ипаги
Орасидан порланди
Ингичка, қилтириқ ой.

Онамнинг елкасида,
Боқардим толпинароқ,
У пайт энди бир туш-ку...

Сочларимга тушди оқ.
Ҳар ой туғилганида
Ойдан томар у туйғу...

1934, 10 октябрь

БИРИНЧИ ҚОР

Уйда термометрга тегди нафасинг,
Симоб мағрур қаддини йиғди жимгина.
Ҳар томонга ёйилди «қорхат»да сасинг,
Рақс этасан тўкилган япроқ вазнида.

Чумчуқ, мусича инида кутмаган меҳмон,
Ҳар туйнук, ҳар ковакка урасан ўзни.
Қувдинг кўчадан гулчи ва ямоқдўзни,
Оғочларга илиндинг оқ почасимон.

Кўчада, трамвай энг аъло «ҳапшув».
Парк-боғлардан қувасан ишқ рўёсини,
Олтин барглар сасидан ёзнинг ёдини.
Ярашар виқор-ла илк кўкдан йўл очув.

Мактаб болалар чиқиб: «Мана, қор!» дейди.
Шўх дўстларга тансиқсан, бир зум ярашар.
Демисезонга ўралиб хизматчи чопар,
Уйда қолган «қишки»га минг афсус ейди...

Ёздан илиқ хотира эсимда қолди,
Ўтин, кўмир жамғариш билан овора
Опам девордан ўзди таппи-зоғора...
Нафасингдан тириклик сесканиб олди...

1934, ноябрь

Бир ютум май каби
Сева симирдим
Гилосдай лабингни,
Дўндиқ, севгилим!

Бир ютум май каби
Сева симирдим,
У дамда абадий
Туюлди умрим.

Ой нурын ёпинган
Чиройли баҳор...
Қани у соғинган
Гилос дудоқлар?...

1934, 21 декабрь

Ёзнинг олови ўчди, яллиғи қолди,
Бармоқларда санашди чол ҳисобдонлар.
Менга «асад норасад» деди боғбонлар.
Мовий тутунлар ила боғлар ўралди.

Чуғурчуқлар-да кетди, қизлар бўш қолди.
Дарахтларга осилган эски челак гунг.
Баргларда сезилади ўзга бир гурунг,
Ёз тандирига жим куз оёқ солди.

1935, 8 сентябрь

Майсада ётаркан, ўйладим сени,
Ёш эдик, шўх эдик у чоқларда биз.
Қуёшдек яшарди ичда севгимиз...
Шодликнинг, кулгининг бормиди чеки?

Кўзлар хаёлчанди, бўсалар думбул,
Ҳисларга мажҳулди ҳижроннинг туни.
Дилларни тўлдирган бахт эди нуқул,
Майсада ётгандик бир баҳор куни...

1935

Ахтариб топганимда «Ўн икки булоқ!»
Қалбимда ўн икки шеър бирдан жўш урди.
Ҳаммаси шивирлайди сиздек, шўх, иноқ...
Кўксимга ҳам ўн икки баҳор югурди...

Порлоқ ва шаън ўн икки кўзнинг ишқида,
Кўзларим хийла замон адашиб қолди.
Севинч қайнар, жилдирар соф кумушида...
Ўн икки қиз изидан хаёл йўл солди...

Нурлардан ҳалқачалар оқар, жимирилар...
Тошларда синар майин табассумлари.
Олтин ипга чизилар жонли инжулар,
Бўсадан-да шириндир, ич, ютумлари!

Ўн икки пиёланинг ялтироқ мавжи,
Тўқинган лабларимда қолар бир умр.
Кўзлари сени ўпган бирон йўловчи,
Балки бир чоғ севгимни ҳикоя қилур!

Мен Эпокринани ҳам унутдим ҳозир,
Афсона томиридан оқа берсин у.
Ўқ икки шеър қалби бунда тошадир,
Илҳом қадаҳларининг чиройлиси шу.

Ҳар томчисида бутун қуёш бекинган,
Гуллар нафис бошларини эгмиш таъзимкор.

Баргларини варақлаб шамол тинмасдан
Шивирлар чашмаларга... муҳаббат изҳор...

Чўмилган япроқларнинг сассиз чапаги,
Қўйнида қубба-қубба ёнғоқ юмалар.
Қўкнинг фирузасидан сирпаниб чопар
Ун икки кўз қаъридан қувноқ нашъаси!

1936

Ёр кўзларининг ишқини, хуморини ёд эт!
Кўк гулшани дурлар каби порлайди бу оқшом,
Ҳар тоғда-ю, қирда ётади нозли хуш ором,
Дунёдаги кўзлар аро шахлосини ёд эт!

Кўксимни эзар ҳажрида қалбимдаги туйғу,
Тепамда қуяр куйини булбул яна шўх, шаън.
Гуллар қадаҳин кечки шамол аста тўқаркан,
Ёдимга тушар сен каби дилбар, гўзал орзу.

Ёлғиз кезаман шарқираган сув ёқасидан,
Ёдингни қучиб ўлтираман тош каби сокин.
Олам қочади, сен кирасан, қалбга шу чоғ тинч,
Ширингина рўё каби оқшом қорасинда...

Ёр кўзларининг ишқини, хумморини ёд эт!
Овозини, шўх созини ҳам нозини ёд эт!

1936, июль

Юраман, тошади севинчим.
Бу севинч қаердан, билмайман.
Кечанинг оғуши латиф, жим...
Юлдузлар чамани гуллаган.

Тошлар ҳам, қушлар ҳам ухлайди
Шамоллар учганда еп-енгил,
Ой нури мавжланиб титрайди,
Баргларга киради ширин тил.

Коинот севгиси гул каби
Қалбимда очилар, хаёл — ҳур.
Тўладир севинчнинг қадаҳи,
Юлдузлар томчилар олтин нур...

1936, июль,
Чимён

Абадият ва умр
Сингари оқади сув.
Оқ сочларини уйқу
Силамас бунда бир қур.

Унинг мавжлари урса,
Чўнг тошлар тилга кирар,
Ўзидан найи дилбар,
Эркаланиб, кўпирса.

Тоғдан шўх, шодлик сураб
Аллақайға совғаси
Қуёшнинг олтин тоси
Кундузи унда сузар...

Олтин узуклар оқар,
Ҳар кун ҳарир кўксида.
Жим-жим жимирлаш ила
Янги кунларга чопар.

Яшил ёқаларида
Кезаман кундуз, оқшом.
Ҳовучим қадаҳ ва жом,
Ичаман қона-қона.

1936, июль

Тепага чиқамен, сойга тушамен,
Ё гаранг тошларга жим суянамен,
Ё булоқ бошида бир чўпон каби
Ясланиб бир лаҳза ўйга толамен.

Жўшади булоқнинг кумуш ёшлари,
Ҳам мунгли, ҳам ширин жилдирашлари.
Буралиб, кўкатлар ичидан чопар,
Узилган марварид ярқирашлари.

Кундузнинг шўхлиги ҳар ерда улфат,
Ҳар ерда гулларнинг саломи эсар:
Булутлар тепага қўнар бир муддат.
Шуълалар, соялар бирга тентирар.

«Дунёда яшамоқ на гўзал!» — бир сас
Ҳаво олтинида жаранглаб учар:
Узоқ бир ўтовда патефон тинмас,
Орзулар сийнага сиғмасдан тошар...

1936

Олтин сепкилли қоп-қора кеча...
Қора илиқлик, хушбўй бир нафас
Секин эсади. Ухлар қир, тепа,
Ариқда оқар нотинч, қора сас.

Гуллар тожини силайди уйқу,
Орзулари жўш урар кўнгулнинг.
Оғочликлардан келди бир «уху».
Шамол шивирлар: келмас, узулманг!

Тугар ҳисларин қора бахмалча.
Юлдузлар жим-жим киприкдан томар,
Тун хушбўй, илиқ: нозли бир палла,
Тоғлар бошида юлдузлар чақнар..

1936

НАЪМАТАК

Нафис чайқалади бир туп наъматак
Юксақда, шамолнинг беланчагида,
Қуёшга кўтариб бир сават оқ гул,
Виқор-ла ўшшайган қоя лабида,
Нафис чайқалади бир туп наъматак...

Майин рақсига ҳеч қоникмас кўнгил,
Ваҳший тошларга ҳам у берар фусун.
Сўнмайди юзида ёрқин табассум,
Яноқларни тутиб олтин бўса-чун,
Қуёшга тутати бир сават оқ гул!

Пойида йиғлайди кумуш қор юм-юм...
Нафис чайқалади бир туп наъматак...
Шамол инжуларни сепар чашмадак
Бошида бир сават оқ юлдуз — чечак,
Нозик саломлари нақадар маъсум!

Тоғлар ҳавосининг фирузасидан
Майин товланади бутун ниҳоли.
Ваҳший қояларнинг ажиб ижоди:
Юксақда рақс этар бир туп наъматак,
Қуёшга бир сават гул тутиб хурсанд!

1936

Шамол, бир эртак ўқи
Ўзганда тоғ устидан.
Ичиб булоқ бошидан,
Шамол, бир эртак ўқи

Арчалар шохидан туш!
Кўк ипакда қил жилва,
Сочларимда ғивирла,
Кел, қалбимга шивирла,
Арчалар шохидан туш!

Тоғлар рўёсини айт,
Юлдуз саломини айт,
Шивирла ҳаёт сасин,
Севги дуосини айт.

1936, 9 июль

Бўш куним боғма-боғ кезаман
Уюшкан резавор боғбонлар...
Девор йўқ, «пўшт-пўшт» йўқ... Сезаман
Иш билан овора жувонлар...

Қўлтиқда Пастернак ё Пушкин,
Ҳисларда учади дилгирлик...
Оёқлар ёзади чигилин...
Ел, қуёш беради хуп тинчлик.

Беданинг кўк ранги мавжланар,
Олмалар қуйилиб гуллаган...
Экинзор... Мевазор ва токзор...
Шоҳидай товланар шўъладан.

Ҳар боғча бир тўппам гул каби,
Ҳавоси чайқалган атирга,
Шийпонда ёш она алласи,
Ҳар нафас янги бир манзара.

Ётаман чўзилиб майсада,
Бошимда энг майин гул чодир.
Ер курра сиққандай бағримга,
Фикрлар бир онда тошадир:

Она-Ер нақадар меҳрибон?
Ҳаммани қалбида ухлатар...

Бир қўлла тўйдириб, яшнатар,
Бир қўлла ўтказар ўроқдан...

Мингларча бобомдан бир сукут
Қолгандир бағрида эҳтимол.
Қоп-қора уфқда бир булут
Сингари эрийди бемаҳал.

Кўксидан унади баҳорлар,
Сайр этар гул осиб бўйнига.
Сеҳрни билмовчи сеҳргар
Янадан тортади қўйнига.

Ўйлайман, келарки бир замон:
Суйишкан икки ёш далага
Чиқишар шаҳардан, ойнадан...
Гуллардан эсирган ҳавога...

Дўндик қиз — фалсафа доктори,
Ёш йигит сайёра йўлида.
Инженер — техника ғурури:
Юлдузлар тизгини қўлида...

Қувишар бир олтин қўнғизни,
Иккиси қувониб боладай.
Кулишдан, севинчдан хинадай
Қизиллик силайди оқ юзни.

Ўтирар қўш мағиз сингари
Файласуф, инженер тепада...
Шеърдан, футболдан ва фанний
Баҳслардан талашиб масала.

Дастлаб терилган кўп гуллар —
Қоқигул, чучмўма, бинафша,

Ким билан қанча кўз, кўнгиллар
Мазмунин тўпламиш шу даста?..

Эҳтимол мен ҳам бор... мени ҳам
Ҳидлашар галма-гал икки ёш.
Ҳар баҳор билгисиз сағонам
Гул бўлиб очилса ва қуёш

Силаса ёмонми? Уйлайман:
Юзимда титрама, табассум...
Азалдан абадни бўйлайман,
Гирдобмиш туғилиш ва ўлим...

1936

ПУШКИН

Олтин мисраларга нақшланган фикр,
Қалбинг қуёшидан қуюлган туйғу —
Сўнмайди, эй шоир, ўтса юз аср,
Ҳайкалинг сингари чидамли, тунж у.

Тошларни чанг қилиб учирар замон,
Бир учқун йўқотмас шеъринг ёлқини.
Боғчанг бир баҳорга ҳамиша макон,
Севади ҳар кўнгил, ҳар хаёл уни!

Санъатнинг энг юксак чўққи тошидан
Оқди фикрларинг кенг доирага:
Оқ шуъла мавж урган тоғлар бошидан
Гувиллаб отилган соф бир шалёла...

Эркин манбалардан эсди илҳоминг,
Ҳислар, кечинмалар тоза ва латиф,
Шўх нозлар, севинчлар куйлаган созинг
Ҳайқирар, чақирар, дам инграр ҳафиф...

Қайғунг ҳам нашъангдай, юлдуздай порлоқ,
Қалбинг оташидай иссиқ ва яқин,
Ёзги ёмғир каби кўз ёшинг қайноқ:
Ювиб, яшнатади қалблар гулшанин.

Ҳаёт, табиатнинг чексиз оҳанги,
Саноқсиз ранги-ла шеъринг ярқирар.

Хур, мағрур бошингда шон гулдастаси
Нурига юлдузлар кўкдан суқланар.

Юксак амалларни этдинг тараннум,
Қўшиғинг ҳур кўнгил, эркнинг овози!
Ҳайқирдинг, титради қирли тож, зулм,
Итардинг кишанси ҳур Русияни!

У заррин кийимли разил ва олчоқ
Жаллодлар қон томган қўллари ила
Ҳар бир одимингга қўйдилар тузоқ,
Қалбингга санчдилар минг заҳар игна!

Санъат оташидан улар бегона
Кўзларин қоплаган фаҳшнинг дуди.
Сарой — юз товланган бир қузғунхона,
Халқнинг кўз ёшлари — унинг ғурури!

Қувилдинг жанубнинг саҳроларига,
Эркин қўшиқларинг қуюлиб-тошди,
Янги гўзалликлар шеъринг торига
Нафис куйлар қуйди, куйинг тоғ ошди...

Кўзингда ёнаркан даҳо қуёши,
Қалбингда куларкан олтин бир баҳор,
Сени эзди қора даврнинг тоши,
Сен кетдинг қолдириб мангу чаманзор...

Нур тўла қадаҳинг ичаркан диллар,
Ҳислар ғунчалайди ва очилади!
Ёрқин илҳоминг-ла қайнар насллар,
Асрдан-асрга нур сочилади.

Уқиркан, севгинг-ла ёнади кўзлар,
Дилларни тўлдирар баҳор нафаси,

Олтин манбалардан нурланган сўзлар —
Қуйма мисраларнинг жонли нашьаси.

Арктиканинг музи ва қуюқ туни,
Қорли саҳро, денгиз, бўз қир, яйловда
Шаҳарлар тўлқини, тоғлар чўққиси,
Боғчалар диёри, ҳар ерда шуъла —

Сочади қуёшинг. Эй шоир, сурур —
Ила сени ўқир бу эркин Ватан.
Сен қанча тилларда сайрайсан мағрур,
Созинг юксалажак яна баланд, шаън!

1936

ШЕЪР

Дейдиларки шеър — юлдуз кирпичи.
Болчиқ йўлни ёрит, деёлмас ҳеч ким.
Ҳаёт қорасида инжу нур ипи.

Дейдиларки шеър — фақат қуш тили
Маъносин туяди ҳассос кўнгиллар.
Ёки у кўр қалбнинг кўз ёш томчиси,
Тошларга томади, ё тақар гуллар.

Дейдиларки шеър — ўз мантиқини
Юмшоқ уйқу чоғи олади тушдан.
Қон ва севинч берган ернинг ҳидини
Илҳомлар сўрмади пуч ғурур билан...

1936

Қалб эмас бир денгизди буюк севги, нур
Мавжланарди, тошарди — руҳингдек қайноқ.
Манглайингнинг тошида куч, фикр, ғурур
Уйилганди, даврлар силолмас ҳеч чоқ.

Инсонликка муҳаббат машъаласини
Қудратли қўлларинг-ла қуёшдан юксак
Кўтардинг, тангриларнинг ёқиб кинини,
Эркин бошинг билмади асло эгилмак!

Илк бошладинг самога қарши ўчакиш,
Жаҳон тунда чақдинг илк дафъа чақмоқ.
Жасорат алангаси эди бу ёниш,
Кўк ғазабдан силкинди, қақшади олчоқ.

Гавдангни ўраб олди темир илонлар,
Сен михландинг тоғларнинг қояларига...
Бўлолмади қалбингга тангри ҳукмдор.
Ортди яна ғазабинг қуёш ёвига.

Жигарингни юларди бургут тумшуғи,
Изтиробинг тимсолидир кураш, зафарга.

¹ Прометей — юнон афсонасига кўра, худодан оловни олиб қочиб, инсонларга келтириб берган ва бунинг учун бош худо (Зевс) томонидан Кавказ тоғларига занжирбанд этилган. У, худога қарши курашувчи, инсонпарвар, афсонавий қаҳрамондир. Бу — дунё адабиётида талай шоир ва адиблар томонидан кўрсатилган образдир.

Иродангга тиз чўкди қисман кўр кучи,
Абадиятга кирдинг ўт ранг саҳар-ла.

Эй паҳлавон, исёнчи — эрксевар ботир!
Ер босган оёғингни тангри тахтига
Мардлик билан қўйдингу синдирдинг ахир.
Сирларни оча солдинг инсон бахтига.

Ғуруринг қулликнинг у оғир кишанин
Ва исканжасин отиб, керди қанотин.
Эзгувчи қора кучнинг бўлиб душмани,
Ақл ва ироданинг сургандинг отин.

Эй буюк қалб, исёнкор, кучли нафасинг
Даврлар орасидан ўтди, яшади.
Қақшатди ҳақсизликнинг минглаб тожини,
Тарих томирларидан оққан руҳ санинг!

Ердаги тангриларнинг қора қанотин
Ёндириб наҳра очдинг нурга, баҳорга.
Биз азалги тунларнинг олтин сабоҳин
Ўпдик курашлардан сўнг, мириқиб баҳорга.

Замон океанининг ваҳший мавжлари
Оёқларинг остида ўрмалар хира.
Асл, улуг бир виқор ила биз сари
Келасан, ғурилланган алангалар-ла!

1936

ЛЕНИН

Сузик кўзлар ихотасига
Тарихлар бир саҳифа каби.
Бир қуёшнинг маҳобатича —
Даҳосининг қилдай шуъласи,
У кўзларнинг таърифи учун
Барча луғат, фикрлар юпун!

Эрк ва меҳнат, нур душманига
Чайқаларди ғазаби тинмай.
Иши, сўзи ёвлар сафида
Портлар эди худди бомбадай.
Ҳар қадамда у ҳадсиз сергак,
Локин туймас зарра қадар шак.

Уртоқларга унда табассум
Қуёш каби, гул баҳор каби.
Қалбда ҳислар тошди беқўним,
Қалбда жаҳон ишқи ва ғами.
Тўлқинига қоялар ҳам мўрт.
Қалб шундай кенг, қуёш — бир гугурт!

Коинотдир бошнинг мазмуни,
Унда ёнар, қайнарди ҳар чоғ
Фикрларнинг ҳадсиз қуюни:
Сирлар тоши зарбидан пачоқ!
Бу бош — янги тарихнинг боши,
Тунни ёққан унинг зиёси!

Ленин — бу ном жаҳоннинг шони,
Тарихга куч ва янги нафас
Ҳам ҳаётнинг улуғ қуёши,
Дунё тинмас, нури ҳам тинмас.
Бу ном-ладир миллионлаб кўнгил,
Бу ном-ла бош кўтарди ҳар қул.

Ленин номи дёнғизлар ошди,
Ошди тоғлар, саҳроларни ҳам.
Ҳудудларни: уфқни босди —
Масофалар чекилди бир дам.
Инқилобий бўрон, қасирға
Билан кирди бу ном асрга.

Заводларнинг темир қўрғони,
Оч-яланғоч ишчи даҳолар.
Жаҳаннамдай маъданлар кони,
Қишлоқларда миллион қулбалар —
Барчасига бу ном муқаддас,—
Умид, имон ва эркин нафас.

Турли халқлар кўнгли, хаёли
Тўқиди шеър, эртақ ва қўшиқ.
Ярқирайди Ленин сиймоси —
Олтин саҳар ўпган бир уфқ.
Қалбдан — шеър, тунж, ипак, мрамарга
Кирди ёрқин, ранг, шуълаларга...

Кўзлардаги нашьаларда — у,
Унинг руҳи — Ватан баҳори.
Ҳаёт ундан олди онг, туйғу,
Тирилди чўл ва қор диёри.
У бир қўшиқ дунё турганча,
Янграб ҳар сўз — ўлмас бир ғунчал

Ленин бурди ер жаннатига!
Озод меҳнат гулбоғи сари.

Миллион кўзлар хаёлларида.
Ёнди диннинг қора сароби,
Ағдарилди мағрур самолар,
Яксон бўлди барча худолар.

Ленин фикри инқилоб, кураш —
Оташида тобланган қат-қат.
Унинг кучи беради чидаш
Оламшумул ишларга беҳад,
Ленин бўлди мазлумлар ёри,
Бутун битди уларнинг зори.

Кўр кучларнинг ўйинларига
Қанча ботир тош каби чўқди.
Замонларнинг қуюнларида
Ленин иши энг баланд чўққи.
Бунда кулар қуёшли жаҳон,
Йиқа олмас ҳеч куч, ҳеч бўрон!

Оммаларнинг тўлқинини у
Юксалтириб Ҳимолай каби,
Юракларга ёқиб ўт-туйғу,
Олиб борди курашлар сари!
Омма эди ўнг ва сўл қўли,
Қояларнинг у эди зўри.

Ҳодисанинг теран томири
Яққол эди Ленин фикрига.
Ҳар масала учи, охири
Бирлашарди унинг зеҳнида.
Ҳар чигилни қиларди «алиф»,
Унда ўйлар эди бир синф.

1937

Сочлари патила, кўзлари хумор,
Кўзларда сачрайди қора, кучли нур.
Саратон қуёши, қиш изғирини
Ишламиш юзларнинг маъно, сирини...
Давлати — қалб шеъри ва эски танбур.

Кулоҳдан тошарди жингалак сочи,
Мағрур ва кўркамди ҳар қачон боши.
Ташир ҳам қиш, ҳам ёз бир қўсқи пўстин...
(Унда қолмагандир ямоқсиз ўрин).
Белида каттакон бир носқовоғи...

Саҳроларни ошар бир шамол каби,
Кеча ҳам кундуздай тутмас пардани.
Оёқлари учун тиканлар майса,
Қумлар огирлиги унга бир пайса...
Илҳоми ва сози ёлғиз ҳамдами.

Бир ҳовуч сув ютиб тоза чашмадан,
Ясланар тошларга, ёзилар бадан.
Осмонни бир томчи мовий ёш каби
Эритар, кўзларнинг жонли оташи,
Тақир тошларда у кўрарди чаман.

Оёғи босмасдан шаҳар қопқасин,
Хабари тўлқиндек тарқарди, локин
Маҳалла, чойхона, такия ва гузар

Минутни соат деб йўлга кўз тутар.
Кўрмаган чизарди шоир сиймосин.

Ана, шоир келар... Бир тўда бола
Унинг орқасида ажралмас соя.
Кўзлар акс этади муҳаббат, мароқ,
Уни билиш қийин: гўё «жуфи тоқ».
Асрлар кўрмаган ажиб девона.

Олтин танга тутар қандайдир бир зот,
Пичинг ила кулиб, отар шоир бот,
Танга аллақайда жаранглар тошда,
Бундай шираларга қўнади пашша!
Усиз сеҳрлидир, рангиндир ҳаёт...

Тўхтаб у: «Гулхан сол!» дейди бировга,
Ўзи кўп эпчилдир ўтин қаловга.
Оловни ҳам дудни севади шоир,
Кафтида чўғларни ўйнатар моҳир,
Қуёш жилвасини кўрар оловда.

Мана чекади у тўлиқ завқ билан,
Каттакон чилимнинг тош тўпписидан
Бир қарич ўт учар, тутунлар булут...
Қўллари ёқада, баъзи дер: «Чулчут!»
Баҳс этар баъзилар шоир сиридан.

Чилим тугар, сўздан — созга келар гал,
У қаттиқ чертарак ўқийди ғазал.
Жаранглар ҳавода баланд, хуш овоз,
Ҳаммаси табиий, унда йўқ пардоз,
Рухларнинг қаърида ёқади машъал.

Туя миниб келган саҳройи қозоқ,
Косиб ҳам, бўзчи ҳам, деҳқон ҳам шу чоқ

Уни тинглайдилар сукут ичида.
Бошлар рақс этади куй таъсирида,
Сўзларнинг сеҳридан ким бўлар узоқ!

Беқарор девона билмайди қўним,
Кимхобдан аълодир унга жўн тўқим.
Сўзи халқни қаттиқ кулдиради гоҳ,
Гоҳо у қалблардан уздиреди оҳ,
Дарбадар кезади, ҳар гўша маълум,

Мантиқи тиғидан кесилар чигил,
Мударрис, муллалар — қошида разил,
Мағрур боши билмас асло эгилиш,
Ундан содир бўлган ҳар қилиқ, ҳар иш —
Топади энг чуқур, энг нодир далил.

Қалбаки эътиқод, қалбаки ахлоқ —
Асрлар чириган, сасиган ботқоқ
Ҳеч қачон бўлмади унинг нафасин...
Оппоқ дасторларга тўкиб тувагин,
Исбот қила олар: нақ ундадир ҳақ.

Қочади ҳар ерда кошоналардан,
Шоҳ дўстлар чиркинроқ бегоналардан.
Ис босган кулбада топар ранг, зиё,
Хон қиз бўлолмас ишқига Лайло,
Қидирар қуёшни майхоналардан...

Булутдай кезса халқ ичидан шоир,
Хотираси қуёш каби қоладир.
Кўнгли кўтаргунча ҳар даргоҳ гулшан,
Билинмас нашъаси, ғами нимадан,
Ҳаёти минг қуроқ бир афсонадир.

1937

Майли, сув ич, қаттиқ нон кемир,
Лекин, ёнсин қалбингда олов.
Фалсафанинг аччиғин симири,
Фароғат, тин сенга бўлсин ёв.

Тошга ҳам, рангга ҳам, сўзга ҳам
Ҳаёт нури билан бер жило.
Нашъа эмас, ҳатто сенда ғам
Қалбга солсин ҳаётдан зиё.

1937

ҚУЁШ ҚЎШИҒИ

Қуёш, нулинг тўка бер мўл-мўл!
Баҳор, кетма бизнинг бошлардан.
Юртимизда қолмасин дашт-чўл,
Чаман кулсин ҳатто тошлардан!

Ярқирай бер, қуёш — инқилоб!
Бошла янги зафарларга йўл.
Жаҳонларга қиламиз хитоб:
Абадий бахт берди бизга қўл!

Севинч тошган, садомиз баланд,
Кўкрак тўла ҳаёт ишқига.
Умид, орзу — баҳорги чаман.
Кечмакдамиз нур денгизига.

Тарихларнинг тун оғушини —
Ёриб қуёш туғди инсонга.
Инсонларнинг қадим тушини
У кўрсатди рўй-рост жаҳонга!

Меҳнат озод ва қалблар озод,
Бахт, ғурурдан кўкраклар баланд.
Ижод нашъа кундан-кун зиёд,
Йўқдир орзу булоғига банд!

Ҳаётнинг кар, хасис тошига
Югурди бир сўлим, ёш баҳор.

Муз эриди сувнинг бошида,
Ҳаёт кўрди нур тошқин диёр.

Кўзлардадир ёшлик учқуни,
Хўп ростлаган қаддини инсон.
Муҳтожликнинг золим қуюни
Қилмас энди уни саргардон.

Ижодга бой, тўлғин бир ҳаёт
Бизда очган чаман ёзини.
Фикр, ҳаёл ёйиб кенг қанот
Юксалтирар ўз парвозини.

Учувчи бўл, врач, рассом бўл!
Бизда санъат, ҳикмат — ҳаммаси!
Қандай орзу сари чўзсанг қўл,
Муяссардир гули, меваси!

Эрк ва инсон сингари яшаш
Бизда бўлмиш қонун мазмуни.
Жаҳонларга элтамиз қуёш,
Яшнар бахтнинг ярқироқ куни...

Кишиликнинг мингларча йилдан
Бери тўқиб келган армони —
Тирилди минг гўзал ранг билан.
Бекор кетмас ботирлар қони.

Жасоратга солинмас соя,
Фикр ёрқин ва қўллар пишиқ,
Наслимизга қўрқув бегона!
Ватан ишқи, бурч ҳисси тиниқ.

Кремлни қучиб, ўйноқлар
Волганинг шўх, тоза тўлқини.

Ҳаёт ва бахт учун қирғоқлар
Меҳнатимиз очар ҳар кун.

Ватанда кўк фирузасини
Тешган энг бой, юксак тоғлар бор,
Мириқиб эмар кун шуъласини,
Узум, анор тўккан боғлар бор.

Олтин бошоқ қир-далалари,
Қанча ўрмон, дарё ва денгиз.
Яшил гилам кенг пахтазори,
Ранго-ранг, бой, мамлакат чексиз...

Яшар, қайнар қишлоқ, шаҳарлар
Яшаради мамлакат юзи,
Ҳар инсоннинг кўнглида кезар,
Бахт ташувчи гўзал юлдузи.

Ишлаганга бахт, гул — қучоқда.
Ҳаётда ранг ва зиё қуюқ.
Мамлакатнинг қизлари боғда
Куйлашади яйраб бир қўшиқ:

«Йўлдошимиз ою, офтоб,
Бахт очилмиш чаман-чаман.
Қучоқ-қучоқ гул ва китоб
Бағишлади гўзал Ватан...

Шодликларнинг ёш баҳори,
Совурамиз гулдан хирмон,
Шўх жаранглар ёшлик тори,
Бермаймиз ҳеч ёвга омон!

Улуғ Ленин авлодимиз,
У берди бахт, иш ва ҳуқуқ...

Унга куйлар тўқир ҳар қиз,
Куйга тўлсин сўнгсиз уфқ!»

Фикр, истак, ғайрат ногихон
Оқа кетди тошиб қирғоқдан.
Кўтарилди гўёки тўғон,
Тўлиб чопар дарё йироқдан.

Қутулган халқ ишлар, яратар,
Халқ эркининг гўзал, мўл ёзи.
Ер, сув, қонун, давлат унга ёр,
Ҳар улуғ иш унинг парвози.

Завод, фабрика юксалган мағрур,
Янги фикр, янги бахт, шуҳрат
Барқ уради! На гўзал сурур...
Фикрларда тошади ғайрат!

Бир кафт зўрда олтин тоғ, зийнат...
Халқ суягин ғажиган очлик,
Энди чангал сополмас офат,
Гўрга кирган очлик, муҳтожлик!

Юрт бахт берди ҳатто кўр, карга,
Ҳар бир қарич ери, ҳар тоши
Арзир чуқур севги, лапарга,
Жаҳонда йўқ унинг одоши!

Муқаддасдир Ватан ҳавоси,
Унда янграш шўх, эркин қўшиқ.
Тугатилди қуллик балоси.
Турмушимиз бой, тўқис, тўлиқ.

Заводларда йигитлар — илғор.
Пўлат қуйиб, ҳаёт қуради.

Фабрикада қизлар — ижодкор,
Озод меҳнат завқин суради.

Қўйнига бахт, эрк қучган кунлар
Китобида ҳеч йўқ қайтариқ.
Янги ҳис-ла туғар саҳарлар,
Кўзларда нур: мақсад, йўл аниқ.

Чегаралар олов ва темир.
Найзаларнинг учида ёнар
Тийрак кўзлар, ёв юраги зир,
Чегарани арслонлар пойлар.

Бутун жаҳон тонги учун биз
Элтмоқдамиз буюк қуёшни,
Ҳар ёвуз куч чўқар албат тиз,
Қаршимизда эгажак бошни!

Ватан тўлди бахтга, зафарга —
Ҳар бир қарич ери, ҳар тоши —
Арзир чуқур севги, лапарга,
Жаҳонда йўқ унинг тенгдоши,

Ярқирайвер, қуёш — инқилоб!
Бошла янги баҳорларга йўл.
Дунёларга қиламиз хитоб:
Абадий бахт берди бизга қўл!

1937

ҚОРАХАТ

Бехосдан узилган шода дур каби,
Тўкилди умиднинг рангли барглари.
Осилди бир онда қўллар мадорсиз,
Ер қочди, қорайди қуёш зарлари...

1941

Кўксимдаги севинч шунча зўр,
 Думалаймен майсада танҳо.
 Гоҳ тентираб кетамен узоқ,
 Ерни қучиб ўпамен гоҳо...

Қир, тепалар адирлар чаман,
 Кўклам ёйган ҳар ерда гилам.
 Олтинланган хушёқар ҳаво,
 Шўх, маст шамол тинмайди бирдам.

Турналарнинг қоп-қора ипи
 Жилпоқланиб кўкда сўнар жим.
 От кишнаши ҳусн далага,
 Гувиллайди сойда сув лим-лим...

Танҳо кезиб, мириқиб думалаб,
 Соғинч билан ерни ўпаман.
 Дейман: кўп соз меҳрли она,
 Қучоғингга бир кун қайтаман...

Шимолий Тошкент канали,
 1942, апрель.

Ёр кетди, кўзим булоғи қолди.
Сийнамда тирик фироғи қолди.
Ишқ хотираси каби сочимнинг
Ёшликда кўпайган оқи қолди...

Ҳар лаҳза дилу хаёл паришон.
Бир хўрсинишимда дардлар уммон.
Юлдуз каби тунда ярқирай жон.
Тундек сочи иштиёқи қолди...

1942, 26 июнь

Сендадир кўзларим, сендадир кўнгил,
Узоқларга ҳасрат билан боқаман.

На қуёш, на баҳар, на гулшанда гул

Юракни юпатмас — мен соғинаман.

Сени соғинаман, руҳда йўқ қарор,

Ошиб кел тоғ, довоқ!

Бу қадар ҳижрон!..

Дардим бор, гулим бор, қўшиқларим бор...

Сен йўқсан! Наҳотки бу мангу армон?!

1942, 12 июль

Тун. Шамоллар кезар бетиним
Гоҳ ишжомда, гоҳ деразада.
Чўмилади бир тўп юлдуз жим
Жилдираган бир ариқчадан...

Суқтой кучук изғийди танҳо,
Суяк тишлаб сакрар пахсадан.
Нурланади бир четда само:
Ой — ўртада синган зар лаган.

Ўтиради шоир айвонда,
Хаёллари тушларда сарсон.
Қайғуради ўтган ҳар онга,
Оқар дарё — оқади замон.

1942

СОЗИМ

Уйғонгач умрнинг илк баҳори,
Соз бўлди кўнглим самимий ёри
Ҳамшира каби яқин ва дилбар,
Тонг юлдузидек умидга ундар.

Соз билмади ҳеч маҳал аразни,
Нурлатди юракни жонли базми.
Ул қўрқмади дуч келса тиканзор,
Офатли бўрон, қутурса сел, қор...

Гар эгса қаддимни чўнг машаққат,
Бир онда учирди — мисли ул пат.
Қишларни баҳор айлаган ул,
Ундирди боғимда хилма-хил гул.

Гулларнинг туси бағир қонимдан,
Маст нози севгининг тонгидан.
Мен у билан айладим тараннум,
Ҳар сўзда қуёш қилур табассум.

Дилларда чаман очар бу сўзлар,
Соф ҳис билан яшнамасми кўзлар?
Нур, ҳаққа чақирди халқни созим,
Халқимникидир сўзим — овозим!

Олмалар тарам-тарам,
Боғларнинг ҳусни тўлган,
Чаман рангга бой, кўркем:
Кўнгилларга не бўлган?

Кўзлар жилваси ўзга,
Қўшиқларнинг шўхи оз.
Бир «уҳ» кирар ҳар сўзга,
Ҳорғин, галати бу ёз!

Уфқларнинг бети қон...
Ҳар юракда бир ҳижрон...

1942, 26 июнь

Ҳаёт қаъри ларзада...
Асабий, тунд шамоллар.
Бетоқатдир хаёллар,
Тонгги сўз — кеч сафсата...

Булутларнинг алвони —
Бўронларга байроқдир.
Кураш — курашмоқ ҳақдир!
Жўшар ҳаёт гирдоби...

Кураш, ҳақлик бизники,
Мангу зафар бизники!

1942, 14 июль

Қуёшнинг майин зар мўйнасин
Ёпиниб куз илиқ уйқуда.
Сув ташлаб лойқа, шўх суръатин
Ипакдай товланар кўзгуда.

Кезаман жимгина боғчада,
Бошимга тўкилур япроқлар.
Ёзги ранг мавжлари ўчса-да,
Гулзорни кўзларим қучоқлар...

1942, 10 октябрь

Қорли йўллар, уҳ, узун
Бу йилларнинг дардидек...
Увиллайди оқ қуюн,
Аччиғи билмайди чек!

Бу йўллардан юрди ёв,
Зилзиладек ўтди у.
Ҳаёт куюнди — косов,
Қон сизувчи йўллар бу.

Чекилди ёв пойтахтдан —
Бошсиз, қўлсиз, оёқсиз...
Кафани қордан, яхдан...
Қиш, найза хўб иноқсиз!

1943, февраль.

КҮРКАМ ТОЛ

Толга у қараб қолди,
Юрагига тўлди ғам.
Хира-тиниқ ойдинда
Кўзларини ҳеч узмас.
Хотира ҳушни олди.
Барглари қуюқ, кўркам
Тол дарди бор дилида,
Бунӣ асло унутмас.

Мангу унутмайди у,
Қуюқ тол новдалари
Остида тонг пайтида
Хайрлашган бир дамни.
Ёв жаҳаннам қурди-ку.
Гўзалим, ўч олови
Борми дил нафратида,
Партизан қиз бўлгали?

Айрилдилар далада,
У минди отга шу он.
Ёлғиз оёқ йўлларда
Қиз кетди ўрмон томон.

Ҳалқумга дард тиқилар!
Кўпинча тунда бирдан
Хотиралар дув босиб,
Манглайин эзар, сиқар.

Офетли йилда ботир —
Бўлди қиз — қадди барно.
Ёрдамини аямас
Қасосчиларга асло.

Ёғин тинмас тунлари —
Қутурар бўрон, чақмоқ,
Қизни ўч тўлқинлари
Олиб юради уйғоқ.

Оқшом кўприк буздилар.
Тонгда штаб тору мор.
Қизнинг отрядин бир тун
Қуршаб олди қузғунлар.
Азоблайди бермай тин.

Бу чидам, бундай сабот!
Учни қайдан олгандинг...
Даладан дэлага бот,
Тарқалди қизнинг донги.

Бир оқшом нимқоронғу
Йигит чиқди ўрмондан.
Тол ўсган тепада у
Тўхтади, гўё жондан
Ажралгандек қақшади:
Эгилган шохда ёлғиз,
Даҳшатли рўё каби,
Осилиб турар кўр қиз.

Тошга айланди шу дам,
Кўкракни тешар мих — ғам.
Қалбига тўлди ғазаб.
Деди: — Олмай қасосим
Тинмайман! — дарддан титраб.

Ўрмонга кетди у жим...
Лекин тепада кўркам,
У зилол қуюқ толни —
Парчинланган хаёлни
Йигит унутмас бирдам...

1943, февраль

* * *

Сочларининг чангига боқма,
Кўйлагининг рангига боқма,
Қизча минган яғир эшакнинг
Қулоқ йиртар «ҳанги»га боқма.

Кўзларининг соф нурига боқ,
Севгининг маст дарёсида оқ!

1943, сентябрь

МАЙЛИ...

Нима деса десин одамлар!
Ит ҳуради — ўтади карвон.
Виждон билан қимматдир дамлар!
Ҳар вақт эшдир қалбимга виждон!

1944

Йиғи келмайди сира...
Ғазабдан қақраган кўз.
Бу йўлларнинг яхидек
Лабимда қотипти сўз.

Қошлар, киприклар қиров —
Юраман ҳушсиз, ҳайрон.
Қорним оч, эсга келмас
Халтамдаги ғиштдек нон...

Куйган уйларда увлар
Қиш қуюни бетиним.
Танҳо кезаман. Йиғлар
Юрагимда Ватаним.

1944, 17 февраль

Асрларга элтиб хаёлни
Баъзан ёрқин кўраман чолни...
Нуроний юз, нуроний соқол,
Кўзларида муҳаббат, малол.

Даҳо порлар пешонасидан,
Гўё қуёш булут ичидан.
Буюк кўнгил ва буюк фикр
Мавжуд каби, чизғиларда сир,
Кўркам, мағрур, оз эгик боши,
Қуюқ жиддий киприги, қоши,
Нигоҳининг маъноси нодир:
Шундай боқар файласуф шоир.
Чехрасида ҳаёт мазмуни,
Тажрибалар ясамиш уни.
Донишманд чол, улуғ руҳга хос
Бир табассум — тавсифга сигмас
Тавозе самимий, илиқ,
Ҳаракати нозик ва силлиқ.
Нафис бутун сиймоси, саси.
Нафис ишқи, ғами нашъаси...

Ярим кеча, ўтиради у.
Бир хитойи косада лим сув.
Ёнар титраб бир олтин шамдон
Токчаларга китоб қаланган.
Гиламларнинг қон гулларини
Ёндиради бу шамнинг нури.

Жиҳозларда тартиб ва маъно,
Ингичка завқ, оҳангга имо...
Қари шоир фикри тошади.
У энкайган, тинмай ёзади.
«Қирт-қирт» этиб савағич қалам
Сукунатни бузади ҳар дам...
Нафис қоғоз бетларини шеър
Тўлдиради, тоза ҳар сатр.
Юксак эди хаёл парвози,
Яшнар сўзнинг чамани — ёзи.
Фикри — учи чексиз самога
Кирган тоғдан энмиш шалола.
Оғса ҳамки умрин қуёши,
Ёшлик ўти унинг йўлдоши.
Соч-соқолни қиров босса ҳам
Ижод ҳали чиройли кўклам.
«Хамса»даги офтоб албат
Буюк қалбдан бир ёлқин фақат:
Меҳнат учун туғилган одам,
Ишга қанча севги ва чидам.
Бу одамда қанча матонат!
Иш, яратиш — унга фароғат!
Ухлар эди гўзал «Унсия»,
Шеър париси чўчмасин дея...
Посбонлар, миршаблар саси
Баъзан янграр эди кечаси...
Узоқларда қичқирар хўроз.
У ишлайди, қалам қилмас ноз...
Қучган эди ширин бир илҳом,
Ёзган сари руҳида ором...
Шоир кезар «Бинафша боғ»ни,
Чаманзорлар очар димоғни.
Хиёбонлар шундай гўзалки,
Сояда нур жимирлар секин.
Бир қўзғалиб мадорсиз шамол
Япроқларни елпиди хушҳол.

Шоир кўзи ҳар бир гўшада
Топар янги гўзаллик, лавҳа...
Қушлар сайраб барглар ичидан,
Эслатарди «Лисонуттайр»дан.
Ҳар бир гули бу чаманзорнинг
Жон бағишлар тилига торнинг...
Илҳомидан ўзга йўқ бир ёр,
Усиз шоир кўнгли беқарор.
Илҳом унга янги бир ғазал
Ғунчасини очар шу маҳал.

Гўзал кўшкка қайрилган замон,
Мевазордан чиқади боғбон.
Кўзларида севги, эҳтиром,
Бошин эгиб, беради салом,
Бир мис тобоқ ҳақиқдай олма:
«Тақсир, тотиб кўринг бир марта.
Илк узишим, бу йил мева мўл».
Шоир кулиб, узатади қўл,
Олар икки ёқут олмани,
Кўзни олар ранги, жилоси...
Ҳидлайди завқ билан сўнгра у.
Яшаради қалбида туйғу:
— «Болаларга улашинг ҳар кун.
Ўзга қувонч йўқ улар учун».
Шоир кўшкка чиқаркан, уни
Қўлтиқлайди таъзимкор қули.
Кўшкки, шундай ҳавойи, юксак,
Елпар жонли новда ва чечак.
Гидамларнинг жонли доласин
Енгил босиб, ипак жомасин
Ечиб, секин ўтиради у,
Бир жуфт қумри қафасда: ҳу-ҳу!
Яшил боғлар ва экинзорлар,
Тўлқинланиб кўзни қувнатар.
Ана, қарши тепада чўпон,

Содда найи чалар ногаҳон...
Пастда деҳқон чопади ӯрни,
Огир меҳнат эзган у эрни:
Ялангоёқ ва эғни чурук,
Манглайида дард, қадди букук.
Шоир фикрин ӯрайди булут,
Гӯё дардин сӯйлар бутун юрт.
Фаровонлик бериб оламга,
Деҳқон ӯзи ботармиш ғамга.
Қани қонун, қани адолат?
Халқни талаб, солимда роҳат...
Улусни ким этар бахтиёр?
Маст, бепарво тахтда ҳукмдор!
Ана Ҳирот илинар кӯзга.
Ётар чангдан юпқа бир бўзда.
Масжид, жоме ва мадрасалар,
Ҳилоллари кўкда ялтирар.
Шоҳ, шаҳзода, бек саройлари,
Зангин кўшки, равоқи, арки
Ярқирайди чўмиб қуёшда.
Бу — зийнатли «оқ суяк» Ҳирот,
Май, мусиқа қайнаган ҳаёт;
Кийим заррин, идишлар заррин,
Мусиқи рақс қувар ғам гардин.
Айш-ишрат ва кайфи сафо
Гирдобига ботган бир дунё.
Ҳар бирида ҳисобсиз кўп мол,
Тавсифидан ҳар қандай тил лол.
Ҳар қадамни ӯпар қул кӯзи,
Битар лабдан учган ҳар сӯзи.
Ҳар бирида бир даста хотин...
Гӯзал қизлар ёш латофатин
Қўпол ҳирслар панжаси эзар...
Кӯзларда бир сиёҳ дард кезар.
Қул канизлар бошида кимлар?—
«Хоним ойим», «сулмон бегим»лар.

Ана унда ерга ястаниб,
Катта Ҳирот ётар чанг ёпиб:
Чолдеворлар, кулбалар муш-муш,
Ҳазар қилар қўнишга бойқуш.
Улус яшар қишу ёз муҳтож.
Кучи, қони хазинага бож...
Ҳар нав қашшоқ, косиб, ҳунарманд.
Машаққат-ла руҳлари пайванд...
Кампирларнинг чархи сингари
Эзгич, рангсиз ҳаёт оҳанги.
Бу Ҳиротнинг сирини билган
Шоир қалби ёнар ичидан.
Оч ва хароб машҳур Хуросон,
Унда қаттиқ зулм ҳукмрон.
Зулм солмиш ҳаётга кир, занг,
Адл ювиб берса олтин ранг...
Шеър ва фан билан «ярқироқ» —
Толдан буни кутди у кўп чоқ.
Лекин шоҳнинг бутун хаёли
Ишрат, сафо ва улус моли
Билан тўлса ютоқ хазина!
Давлат унинг кўлкасигина...
Қора тунни деса ёруғ кун,
Ким эгмайди «балли!» деб бўйин.
Дўст шоирнинг мулойим саси
Ёқмадими шоҳ ғазабини?
Сурди уни шоҳнинг қувғини,
Бошдан кечди ғурбат қуюни...
Сарой тўлган эди ўч, кинга,
Чақмасдан у кирмади қинга.
Заҳар билан шоир изини —
Шеър — санъат нур қандилини —
Сўндирмоқчи бўлмадими шоҳ?
Бундан ортиқ бўлурми гуноҳ?
Ялтираган, маст, чиркин гуруҳ
У даҳога солди ғам-андуҳ.

Лекин, яна нафрати қайноқ,
Ишонч ҳали қуёшдан порлоқ.

Тафаккурни уэди шу дами
Ёш мулозим чиройли саси:
— «Рухсат тилар икки мусофир».
— «Мен мамнунман, кирсин!» дер шоир,
Икки йигит — қозондай салла,
Эски тўнлар олача — малла.
Юзларига мушкул сафар из
Солган: улар ориқ ва рангсиз.
Улар қўйиб қўлни кўксига
Туришарди чол ҳузурида.
Шоир кўзи сўрайди савол,
Бири баён этар ҳол-аҳвол.
— «Сиз меҳрибон, паноҳингизга
Сиғинамиз, минг қуллуқ сизга.
Биз фақирлар толиби илм,
Самарқанддан чиқдик, биз етим,
Гоҳ эшакда, гоҳо пиёда...
Ғайрат берди сизнинг остона».
— «Ғайратингиз учун офарин!»
Мадраса, жой, нафақа тайин.
Уларга йўл бошлар мулозим.
Сўнг йиғилар нуктадонлар жим.
Фан, санъатнинг гуллари бутун
Тўпланганди суҳбати учун:
Бир кўп шоир, бир қанча олим,
(Муаррих ҳам табиб, мунажжим)
Неча машҳур мусиқийшунос,
Уч-тўрт ҳофиз, киборларга хос.
Афлотун ҳам Арасту фикри,
Неча олим, қаҳрамон зикри,
Фалсафадан «илми ромга»ча,
Мавзу бўлар мубоҳасага.
Ғўзал бир байт, ёки рубоий

Қанча чўзар муноқишани?
Баҳсни кесар сра-сирада
Ҳар хил ҳазил ва мутойиба.
Зўр қаҳқаҳа учади бир зум,
Устод юзи тўла табассум.
Кўп майл этар латифа сари,
(Кошки бўлса Мулла Биноий!)
Сўнг машшоқлар, ҳофизларга гал.
Ўқилади форс, туркий ғазал.
Мажлис завқи етади авжга.
Куйлар чалар шоир — бастакор
Фикри топар сеҳрли диёр...

Шоир отда борар шоҳ сари,
Ҳирот яшар ҳар кунги каби.
Ҳалвофуруш мақтар ҳалвосин,
Кампир элтар олган ғўзасин.
Бир эшакка чўп-хасни ортиб,
Ўтинчи ҳам боради ҳориб.
Бир ўғрини қилиб саззойи,
Судрашади неча сипоҳи
Юракларни зир-зир қақшатиб,
Арғимоқда учар бир нойиб:
Бир зўравон, ориқ амалдор
Тимга кирди: қайғуси бозор...
Неча рангпар муллабаччалар
Бир жувон-ла имлашадилар...
Расталарда зўр ғовур-ғувур,
Баззоз бойлар ўтирар мағрур.
Тоғ-тоғ шоҳи ичида бир чол —
Машҳур хасис, егани увол...
Шоир кезар аста, улуғвор.
Шеъри, иши билан у донгдор.
Ёш-қарининг саломи ҳадсиз,
Жавобсиз у қолдирмас ҳаргиз.
Шоир сарой қуллуқчилари —

Билан ҳозир кирар ичкари.
«Боғи жаҳоноро» музайян,
Нафис кўшклар, гуллар ва чаман.
Кириб шоҳнинг қошига шоир,
Таъзим, қуллуқ адо қиладир.
Тез қариган бу ожиз султон,
Ўтирарди бир фалажсимон.
Ифрот айшнинг чиркин сояси
Сиймосининг чин ифодаси...
Атрофида кўп гўзал жувон,
Зийнатида йўқ бирон нуқсон —
Тартиб, одоб билан тик турар,
Базмда май сероб, жўш урар.
Бунда беклар, бир кўп мансабдор,
Шоҳга яқин аъёну, дўст-ёр.
Ярқирайди кийимлар олтин.
Асл тошлар бир-бирдан ёрқин.
Вазир ҳам бек юзлари бир зум
Чизди ажиб қийшиқ табассум.
Шоҳнинг ширин сўзин ҳийлакор —
Маст кўзлари этарди инкор.
Шоҳона базм, кеча хуш, хандон,
(Базмсиз кун билганми Султон?)
Ҳар кунгидай бу мажлис чанқоқ,
Қадаҳлари ёқутдай порлоқ.
Соқийлар ҳам қуяр бетиним,
Зар косалар учади лим-лим.
Тортилади хилма-хил таом,
Олтин-қумуш — идишлар тамом,
Барча кўзда шароб жилваси —
Баъзиларнинг тушди салласи.
Муסיқи ҳам келди фарёдга,
Мастлар боши чайқалди «дод»ла.
Гир айланар машҳур раққослар,
Кийимлари гавҳар, олмослар
Билан кўзни қамаштирарди,

Қилиқлари ҳирсни қўзгарди.
Ҳали базм бошланиши бу,
Давом этиб, авжга чиқар у,
Кеча бўйлаб анча ҳангома,
Қанча шовқин бўлажак яна...
Етим-есир тўла Хуросон,
Авжга чиққан зулмдан фиғон:
Шаҳзодалар бир-бирига ёв,
Бир-биридан ортиқ эл талов,
Султон ботган ишратга мудом,
Бузуқилар бошида имом,
Бу мажлисга бегона шоир
Туйғуларин қилолмас зоҳир.
Йигитликда чидади ночор,
Энди қалбда ўзга завқлар бор,
Бу алдамчи дабдабалардан,
Шовқин-сурон, ҳангомалардан
Қўл силтамак унинг муроди:
Кетса ўзга бир диёр сари!
Илҳомига чуқур ботароқ,
Оғир меҳнат билан ёнароқ,
Сурмак истар яратиш завқин,
Эшитилмас у мастона шовқин!
Шоирга шоҳ «марҳамат» қилиб,
Чақиради, дейди керилиб:
— «Кураш қилди икки паҳлавон,
Деса бўлгай офарин жаҳон.
Қўчқорлар ҳам яхши қилди жанг,
Ғулғуладан қулоқлар гаранг.
Бўлмадингиз, сизда йўқ шафқат»...
Султонга хос аблаҳ шикоят!

Шоир чиқди, қалбни ёқар ғам,
Фикрларни қучар жаҳаннам.
Тун... Қорага бурканиб шаҳар
Ухлар эди тингандек кадар.

Утар экан бир маҳалладан
Эшитди у: кичик кулбадан
Биров гўзал бир оҳанг ила
Шоир шеърин ўқир оҳиста.
Шеърларининг узоқ ва яқин
Ўлкаларда шўҳрат топганин
Билар эди. Аммо, шу онда
Севинч тошиб кетди бор қонда...
Курашларда орттирган, бешак,
Бутун умр руҳ берган истак
Жаранглади жўр бўлиб созга.
Она тилни еткизди ёзга,
Мўл-кўл тўкди санъат мевасин,
Бўхтончининг кесди нафасин,
Ярашарди унга ифтихор,
Шеър аҳлига бўлди байроқдор...

1947

ҲАЙКАЛ ОЛДИДА

Куйлаганди беш аср бурун
Халқни, ҳақни, ишқни бу инсон,
Юраги ҳам эркин, ёруғ кун
Дарди билан тепарди ҳар он.

Улуғ Ватан кўксида шоир
Бугун қаддин кўтарди баланд:
Абадий тош либосидадир,
Қўлда китоб, кўзлари ўйчан.

— Ассалом, Навоий! — дейди ёш авлод.
Олқишлайди халқи бахтиёр:
Шоир, арзир қилсанг ифтихор,
Сўзинг янграр, кўнгилларда ёд.

Сен юксалдинг улуғ замонда,
Руставели, Низомий, Пушкин,
Шевченколар тирик Ватанда,
Қара, ҳаёт қандай шод, эркин...

Сўзларингни севар рус, қозоқ,
Туркман, латиш, грузин, арман,
Бари совет ерида иноқ,
Бошларида бир байроқ улкан.

Кел Навоий, халқ билан бирга
Гимн айтайлик шу Ватанга биз:
«Умринг, нуринг минглаб асрга
Етсин, Ватан — мангу фахримиз!»

1949

* * *

Қамровчи тўлқин бор, қамровчи гирдоб...
Азамат тоғлар ҳам, куйлаган барг ҳам —
Унинг дами сари айлайди шитоб,
Қар нимада мавж бор — мавж тинмас бир дам...

1960

ХАЛҚ ҚАЛБИДА

Ленин фикри инқилоб, кураш
Оташида тобланган пўлат.
Унинг фикри оламда қуёш,
Дарё-дарё нур тўкар беҳад.

Чайқалган зўр дарё мавжи — у,
Ишчи, деҳқон ҳар он қошида.
Кураш, тўлқин, ёнғин — иши бу,
Ер курраси унинг бошида.

Исми кўҳна жаҳон устида
Булутларни йиртган бир яшин.
Ҳақсизларнинг ҳар қарашида
Ёди ёқар умид оташин.

Халқ қалбида юрибди тирик,
Меҳнат — бахтда яратиб бирлик.

1960

Ўтирасан ёлғиз, япроқлар тушар,
Булултар кезади осмонда кўркам.
Паришон чехрангда хаёллар учар,
Билмайман, неларни ўйлайсан, эркам?!

Мунча ҳам ярашган оқ шоҳи кўйлак,
Қошларингга қараб тўймайман — ҳилол.
Юзларинг ёлқинидан ўртанур юрак,
Кўзларингда кўрдим ақл, ҳис, хаёл.

Олий мактабларда риёзиётдан
Дарс беради содда, ақлли бу қиз,
Усули гўзалдир, пишиқ, олмосдан,
Шогирдлар қалбида ёқади юлдуз.

Қўшнимиз ёнма-ён, соғиниб ҳар кез
Чиқаман, ўтирар қиз тутиб қалам,
Куламан: «Чарчашни билмайсан, юр тез,
Кезайлик, ёшлик ҳам баҳордай кўркам.

Жуда ҳам сердиққат бу риёзиёт,
Аммо шеър бошқа, шеър қалбдан келур!»
«Бу ҳам қалб ва фикр меваси, фақат
Мангудир,— дейди қиз,— коинот шудир!»

Музокара давом этади узоқ,
Фалсафа, тарихдан атомга қадар,

Гапирар қиз дадил, мантиқи булоқ,
Далили, жавоби ўткир, нақ гавҳар.

Кеч бўлди, уфқда ёнди шуълалар,
Иккимиз қўзғалдик дарёни бўйлаб.
Узоқда отларни ювар болалар,
Қиз аста боради — нимадир ўйлаб.

Севаман юракдан, севаман чиндан,
Қиз севар, билмадим, ғурури қўймас!
Билмадим, севгани бошқадир мендан,
Ишқим, муҳаббатим ўзингсан, холос!

Оқшом тепаларда, жарларда юрдик,
Ой секин орқадан юрар изма-из.
Дам суҳбат, дам сукут ҳузурин сурдик,
Ўйлайман: шу онда борлиқ — ёлғиз биз!

Соатга қарар қиз: «Кетамиз, иш кўп,
Дипломни ёқлайман, борасизми, а?»
Суюниб мен дейман: «Жоним билан, хўп.
Ёзаман бир шеър, дўндириб сизга...»

Қиз ва мен гаплашиб, кетамиз аста,
Ичимда тўқийман шеър ранг-баранг.
Эшикка етганда кулиб қиз: «Яна
Чиқингиз, хайр...» дер мулойим оҳанг...

Ҳовлида юраман қофия излаб,
Дарахт ичида аста кезаман.
Юлдузларга, ойга қарайман «уҳ!» лаб,
Шеърлар қуйилур, равон ёзаман.

Севгилим хаёли банд этган кўнгул,
Оқаргунча саҳар тинмай юраман.
Ўзалим шу онда не билан машғул?
Қуёшни қаршилаб, қизга шошаман.

1960

Оғир ер бағирлаб сузган булутга
 Тўсатдан чақмоқдан найза санчилар,
 Мен ҳам чақмоқ каби тез чопдим уйга.
 Кўчага кирганда ёмғир қамчилар.
 Томоша қиламан кичик балконда,
 Ёмғир кўп шиддатли, асабий ёғар.
 Дарахтлар чайқалур, бошлари ерда,
 Гувиллар даҳшатли, мавҳум шамоллар.
 Сўнгра мен зерикиб шеър ёзаман,
 Ёки мутолаа ютади мени.
 Фазога булутлар оша учаман,
 Хаёллар кетма-кет, рангли ва янги.
 Ёғади мўл ёмғир, ерларда кўпук,
 Тунукани тозалаб ювади сув, сел.
 Мушугим ҳурракда, кўзлари сузук,
 Чироқни ўчирдим — тотли уйқу, кел!
 Уйғониб қарасам, қуёш ярқирар,
 Ҳовлига тушаман кийиб тўнимни.
 Зангори осмон ҳам тиниқ, беғубор,
 Мусичалар ғув-ғув дер, силкиб бўйнини.
 Тентирав юраман далани кезиб,
 Толаман хаёлга, чўпчак орзулар.
 Ёзаман шеърлар хомаки чизиб,
 Баҳорнинг келини олтин варақлар.

1960

Ҳижроннинг алами қалбимни ёқди,
Юраман девона, юраман ҳушсиз.
Ёшлигим мисоли юлдуздай оқди,
Гўзалим, бир лаҳза келгил, иккимиз —
Кезайлик далада, хаёллар жўшқин...
Дарахтлар остида иккимиз ёлғиз,
Ишқомлар ичида, кўнгилда тўлқин,
Юрсак май, ишқдан маст иккимиз, эй қиз!
Севгилим, шийпонда иккимиз танҳо,
Қуёшда учади мезонлар майин.
Тоғларда булутлар ҳўмрайган гўё,
Иккимиз суҳбатда гоҳ шод, гоҳ ҳазин.
Гўзалим, оппоғим, жононим, бир кел.
Мен фақир кутаман, о, бир келиб-кет.
Ургилай, бир зумда келсанг мисли ел,
Кутаман йўлингда, мени хурсанд эт!

1960

Қалбдан севги тошди, фироқ, ғам-алам...
Юраман, дайдийман, парча чўғ қалбда.
Муҳаббат дардида мажнун мендан кам,
Гўзалим келмади, ёнаман дардда.
Гўзалим бир келди, кетди нур каби,
Кўнглим ва кўзларим қолди изида.
Қўлида «Фузулий» — севган китоби,
Оқ шойи кўйлаҳда, тўлқин кўксида.
Кўзлари маънодор, ҳислари ёниқ,
Кулгиси самимий, ўйлари чуқур.
Сўзи, қилиқлари ёқимли, аниқ,
Ялиндим; ҳужрамда озгина ўтир.
«Ташаккур, мен кетдим», — қолди табассум...
Ёримнинг кетидан шамолдай чопдим.
Қайгадир йўқ бўлди, йиғладим юм-юм...
Эй, гўзал, йўлингда, ишқингда ёндим...

1960

КУЗДА

Кетаман тентираб танҳо йўлларда,
Дарахтлар гўёки машъалдек ёниқ.
Куз кўркам яшнайти хил-хил рангларда.
Шафтоли барглари ёнар олтиндай,
Ўрикда қирмизи ёқут шуълалар.
Шуълаларнинг рақси баргда, новдада.
Сувлар оқар секин, шишадай тиниқ,
Осмон чўкиб олган сувларга гўё.
Ҳавога тўймайман, нафаси илиқ...
О, азим чинорлар, нақадар кўркам,
Тўхтаيمان ўйланиб: «Олтинланибди,
Умри асрлардир, илдизи маҳкам...»
Қисқарди кунлар ҳам, учади мезон,
Алвидо, деб қушлар бошлади сафар.
Япроқлар тўкилур... йиғлайди хазон...
Олмалар ёноғи қип-қизил ёқут,
Арава, машина ташир шаҳарга,
Советлар элида — мўл, барака, қут!
Токларда ранг-баранг тотли узумлар,
Тилларни ёради бол қаби ширин:
Хушбўй май ичгандай гўё туюлар.
Юраман хаёлда, ўтар кундузи,
Дарахтлар туради ёниқ машъалдай.
Кечқурун йўлимда оқшом юлдузи...

1960

Утиур супада, қўлида китоб,
Хаёли кенг дарё, ёрим офтоб...
«Оламнинг сири,— дер,— илм, маърифат».
«Танбур, май — коинот!» қилдим мен хитоб.

1965, август

Баҳор келди — кумуш ранг кимхоб,
Дарахтлар оппоқ гулда — машъал.
Бол терилур гул қадаҳлардан
Гул фасли — баҳор фасли... офтоб...

Гул фасли, нур фасли чақнайди,
Янграр қўшиқ ҳавода, кўкда.
Қирлар гулгун, лолаларга ғарқ,
Лолалардан гилам кўк ўтда.

Парча булут тўкилиб кетди
Дув қуйилди марварид ёмғир.
«Бўри туғди», чақнайди кулгу,
Яланг оёқ болаларга ҳузур.

Боғ-қирлардан чопар шийпонга,
«Бўри туғди» — кулиб катталар.
Зум ўтмасдан тинади ёмғир,
Ачинади чопқир болалар.

Ариқларда, сойларда тошқин,
Дарахтлар-да гуллардан тошқин.
Баҳор келди, гул фасли келди,
Кўнгилларда севинчлар тошқин.

1965, апрель

Гўзал хулқ гавҳардир, асло бўлмас хор,
Ҳаёт илдизида ундан бир нур бор.
Ҳақиқат ва ахлоқ яқин туғишган,
Ўғлим, ўйла, умр ўтмасин бекор.

1965, май

Табиат тилсимин туби йўқ, беҳад,
Ўғлим, илм ўрган, емрилур ҳар сад.
О, умр калтадир, нақ қуш уйқуси,
Ҳақиқат дастурин топ, қолсин зар хат.

1965, май

* * *

Еримнинг қора кўзи — офтоби бордир,
Ишқ дарди бошимга битган балодир.
Шоирлар маҳбуб, май деса кулардим,
Меним ҳам дил энди банд мубталодир.

1965, май

О, кўнгил, чексиздир, туби йўқ жаҳон,
Сирлар ва тилсимлар конидир осмон.
Нимадир оламнинг сир фалсафаси?
Эй кўнгил, сен ҳал эт! Мушкилим ҳамон!

1965, август

Сирли йўллар босиб, кезаман осмон,
Ўйлайман, ўйлайман, сира билмайман.
Осмонга сепилган олтиндан сомон.
Ҳақиқат нимадир, ўйлайман ҳамон...

1965, август

Кечкурун ёр келди, боғ яшнар гўзал,
Супада ёзди у латиф бир ғазал.
Мен дедим шоира, тасвири нақ май!
Бошланди улфатлик, қалқди ой — машъал!..

1965, август

.

* * *

Оқшом келди илҳом, қўлда гул жонон,
Кўзларда нур, сочда гавҳар, ҳаяжон...
Мен ёлғиздим тунда, сокин ҳужрада,
Қуюлди шеър, май — келди бир жаҳон...

1965, август

Ешлик бир ғунчадир, йўлдоши севги,
Юракда ёлқини сақланса мангу,
Вафо дерлар буни, азизроқ не бор?
Қарилик ҳам ойдин, ишқимиз мангу...

1965, август

Ҳасратлар кўнгилдан кетган замонда
Табиат мудрайди, аллалар баҳор.
Кўклардан жимгина олтин нур ёғар,
Ҳар нарса улфатдир менга шу онда...

1965

* * *

Тарих ва фалсафа чуқур, мураккаб,
Ҳаёт машъалидур ҳақиқат, чин гап,
Ижоднинг булоғи тинимсиз оқсин:
Минг сир бор тупроқда — олсангиз бир кафт.

1965, август

МУНДАРИЖА

Шоир ижодидан гулдаста. Ҳамид Ғулом	3
ш кўнгил	11
малим учун	12
ишлоғимни эсларкан	13
ирчиқ бўйларида	14
ёвчига	15
збек қизига	16
Ўлтин қўнғизга	17
ркин қуш	18
ушлар, қочингиз	19
оғбон қизи	20
улоқлар ёнида	21
ш йўлчи	22
уёш ботаркан	23
утганда	24
апалак	25
улоқ	26
иш кўринишлари...	27
ечаклар терганда	28
тиниш	29
Орқангдан йиғлаб қолдим»	30
ликоҳ куни	31
урмуш йўлида	32
Ўйнаб оққан ирмоқлар...»	33
ечқурун	34
Паршарак	35
аҳрода	36
оғ йўлида	37

«Эй севгилим...»	38
«Қайғу-да меҳримни сенга еткизмас...» . . .	39
Куз сезгиси	40
«Қорнинг заҳар тилли ўткир шамоли...» . . .	41
Қиш кечаси	42
Бирлик сезгиси	43
Абадий йўлчилар	44
«Олтин қуёш нуридан...»	45
Оғочликларда	46
Хаёлим	47
Кеча сирлари	48
Товушим	49
Кўриниш	50
«Бошимни кўксингга қўйган чоғимда...» . . .	51
Узоқдан туриб	52
Севги учқунларидан	53
«Қалбимнинг фарёди...»	54
Турсунойга	55
Регистондан ўтганимда	56
«Оқшом кўлкаси...»	58
Қиш куйлари	59
Баҳор қўшиқларидан	60
«Қора қиз...»	61
«Оқшом юлдузи «яна...»	62
Баҳорнинг келиши	63
«Яна баҳор келди...»	64
Онлар	65
«Мен юраман аста-секин...»	66
Оқшом сезгиси	67
Қора денгиз бўйларида	68
Ялта кечаси	69
«Уфқлар қуроқ тутди...»	71
Тошчақар	72
Ёз кечаси	73
Санъат ишқи	74
Денгизга	75

Денгизда оқшом	76
Ўундуз	77
Қиш — дутор — чол	78
Бахтигул ва Соғиндиқ	80
«Йигит Мажнун эмас...»	90
Ўзбекистон	91
«Булутлар сочингга кўз ёшим каби. »	93
Кўклам ҳислари	94
«Ой нурининг мавжлари...»	95
Кузда	96
Янги ой чиққанда	97
Биринчи қор	98
«Бир ютум май каби...»	99
«Ёзнинг олови ўчди...»	100
«Майсада ётаркан...»	101
Тоғ сайри	102
«Ёр кўзларининг ишқини...»	104
«Юраман, тошади севинчим...»	105
«Абадият ва умр...»	106
«Тепага чиқаман...»	107
«Олтин сепкилли қоп-қора кеча...»	108
Наъматак	109
«Шамол, бир эртақ ўқи...»	110
«Бўш куним боғма-боғ кезаман...»	111
Пушкин	114
Шеър	117
Прометей	118
Ленин	120
Машраб	123
Қуёш қўшиғи	127
Қорахат	130
Ёр	133
«Ёр кетди...»	134
«Сендадир»	135
«Тун. Шамоллар кезар...»	136
Созим	137

«Олмалар тарам-тарам...» . . .	138
«Ҳаёт қаъри ларзада...» . . .	139
«Қуёшнинг майин зар мўйнасин...» .	140
«Қорли йўллар, уҳ, узун...» . . .	141
Кўркам тол	142
«Сочларининг чангига...» . . .	145
Майли	146
«Йиғи келмайди сира...» . . .	147
Навоий	148
Ҳайкал олдида	158
Халқ қалбида	160
«Ўтирасан ёлғиз...»	161
«Она ер бағирлаб»	163
«Ҳижронинг алами...»	164
«Қалбдан севги тошди...»	165
Кузда	166
«Ўтирур супада...»	167
«Баҳор келди...»	168
«Гўзал хулқ гавҳардир...»	169
«Табиат тилсимин туби йўқ...»	170
«Ёримнинг қора кўзи...»	171
«О, кўнгил...»	172
«Сирли йўллар босиб...»	173
«Кечқурун ёр келди...»	174
«Оқшом келди...»	175
«Ёшлик бир гунчадир...»	176
«Ҳасратлар кўнгилдан кетган...»	177
«Тарих ва фалсафа...»	178

© Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.

На узбекском языке

Узбекская классическая литература

А й б е к

СОЗВУЧИЕ

Л и р и к а

Редактор О. М а т ж о н о в

Рассом Ю. Г а б з а л и л о в

Расмлар редактори А. Б о б р о в

Техн. редактор Т. С м и р н о в а

Корректор М. Қ у д р а т о в а

ИБ № 1623

Босмахонага берилди 11.01.80. Босишга рухсат
этилди 09.09.80. Р—09141. Формати 70×90¹/₃₂.
Босмахона қогози № 1. Кесик журнал гарнитураси.
Юқори босма. Шартли босма л. 6,73. Нашр л. 4,95 +
0,06 вкл. Тиражи 100000. Заказ № 2519. Баҳоси 50 т.
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриё-
ти. Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети наш-
риётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босма-
хонаси. Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26.

Ойбек.

Созим: Лирика (Сўз боши: Ҳ. Ғулом; Тузувчи: О. Матжонов.)—Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.

Ушбу тўплам ўзбек совет адабиётининг улкан намояндаларидан бири устоз Ойбекнинг табиат, инсон, ғўзаллик мавзуларидаги энг машҳур лирик, фалсафий шеърларидан тузилди. Тўпламни лутфан кўздан кечириб, қимматли маслаҳат ва мулоҳазалар билдирганликлари учун нашриёт муҳтарама Зарифа опа Саидносировага миннатдорчилик изҳор этади.

Ойбек. Созвучие. Лирика.

ББК 84Уз